Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

№ 193 (20. 161) • 1988 йил 24 август, • чоршанба • Баҳоси 3 тийин.

АГРОСАНОАТ КОМПЛЕКСИ ХОДИМЛАРИ!

Бу йил она-Ватанга:

5 миллион 250 минг тонна пахта сотишни;

1 миллион 700 минг тонна дон етиштиришни;

Ҳар гектар ердан олинадиган картошкани 150 центнерга, сабзавотни — 250-280, полиз маҳсулотларини — 150, мевани — 70-80, узумни камида 100 центнерга етказишни;

Чорва қишлови учун 19 миллион тонна озуқа бирлиги тайёрлашни унутманг!

Бу рақамлар ижросини таъминлаш юзасидан шу йил эрта баҳорда республика агросаноат комплекси ходимлари қурултойида сўз бергансиз.

Ваъда — вафоси билан улуғ!

«Ҳосил—88». «Дала—редакция» телефон линиясида

УРУҒЛИК УЧУН

Денов район ижроия комитети секретари Тоштемир ТУРДИЕВ сим қоқиб, қуйидаги хушхабарни йўллади:

— Райондаги Собир Раҳимов номли колхознинг Қудрат Тоғаев бошлиқ бригадаси аъзолари бу йил эрта баҳорда 100 гектар ерга «Термиз-16» нав ғўза чигитини қулай агротехника муддатларида экиб олишганди. Қисқа вақтда ундириб олинган ниҳоллар ёз бўйи намунали парвариш қилинганлиги туфайли пайкалларда мўл ҳосил етилди. Пахтакорларнинг ёз бўйи тўккан пешона терлари бугун бодраб очилаётган оппоқ, лўппи чаноқларда акс этиб турибди.

Миришкорлар ғанимат фурсатни бой бермаслик мақсадида уруғлик пахтани танлаб теришни бошлаб юборишдилар. Йиғим-теримга пухта ҳозирлик кўрилганлиги туфайли дастлабки кунданоқ юқори суръат таъминланмоқда. Илғор теримчилардан Норхол Мамадаминова, Муаззам Нажмиддинова, Гулчеҳра Маллаеваларнинг ҳар бири теримнинг биринчи куниёқ хирмонга 100—120 килограммдан «оқ олтин» тўкишга муваффақ бўлдилар.

Бригада саршунослари бу йил мавжуд ерларнинг ҳар гектаридан пландаги 33 центнер ўрнига 40 центнердан ипак пахта териб топширишни кўзлашмоқда. Далалардаги ҳосил салмоғи ва теримчилар шижоати бу марра яқин кунларда эгалланишидан далолат беряпти.

Шунингдек, колхознинг Раҳмат Жабборов, Ҳайит Абдиевлар бошлиқ бригадалари миришкорлари ҳам уруғлик пахтани танлаб теришни кун сайин авж олдиришмоқда.

ТЕРИМ БОШЛАНДИ

Қашқадарё областидаги ВЛКСМ ХХ съезди номли совхоз далаларида пахта анча барвақт етилди. Дастлабки теримчилар далага чиқдилар, машина теримига мўлжалланган пайкалларда дефолиация ўтказилди, айрим участкаларда терим агрегатлари ҳам иш бошлаб юборди.

Совхоз—Қарши даштидаги энг кенжа хўжалик. У Косон районида шу йил баҳорида ташкил этилган. Чўлқуварлар дастлабки кунданоқ биринчи йилни яхши якунлашга ҳаракат қилдилар. Ёзнинг иссиқлиги, Амударёдан Қарши магистрал канали орқали етарли миқдорда сув келиши, агротехника тадбирларининг муддатида ўтказилиши ҳам бунга кўмаклашди. Бу йил 300 гектар майдонга чигит экилган, ана шу ерлар бегона ўтлардан тозаланган, бу эса ғўза ривожини анча жадаллаштиришга ёрдам берди.

Қарши даштидаги кўпгина хўжаликлар пахта теримини ҳар қачонгидан икки-уч ҳафта олдин бошлашни мўлжалламоқдалар. Бунинг сабаби фақат об-ҳаво шароитида эмас. Ишлаб чиқаришнинг хўжалик ҳисоби принциплари, одамларнинг ишга муносабати пахтанинг барвақт етилишини кўп жиҳатдан таъминлади.

В. ШУМАЙЛОВ,
ЎзТАГ мухбири.

КПСС Марказий Комитетида

КПСС Марказий Комитети СССР давлат мукофотлари билан тақдирлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисидаги масала юзасидан қарор қабул қилди. Қарорда мамлакатдаги мавжуд СССР давлат мукофотлари системаси хўжалик, социал, маданий қурилишдаги, социалистик Ватанни ҳимоя қилишдаги алоҳида ютуқлари учун ҳамда давлат ва жамоат олдидаги бошқа хизматлари учун меҳнаткашларни маънавий рағбатлантиришнинг муҳим воситаси бўлиб хизмат қилаётганлиги таъкидланади. СССР орден ва медаллари билан тақдирланган, СССР фахрий унвонларига сазовор бўлган юз минглаб кишилар меҳнат жасорати, фидокорлик ва гражданлик бурчига садоқатнинг, Ватан манфаатлари йўлида хизмат қилишнинг намунасидир.

Шу билан бирга СССР давлат мукофотлари билан тақдирлашнинг таркиб топган практикаси жамиятни демократиялаш жараёнига мос келмайди, гражданларнинг меҳнат ҳамда ижтимоий-сиёсий активлигини ривожлантиришни етарли даражада рағбатлантирмайди. Беш йиллик якунларига мувофиқ ва бошқа сабабларга кўра оммавий равишда мукофотлаш муносабати билан давлат мукофотининг обрўси тушиб кетди, орден ва медалларга тақдим этиш жараёни расмиятчиликка айлантириб юборилди. Кўпинча юқоридан берилган разнарядкадан фойдаланилди, меҳнат коллективларининг фикри етарли ҳисобга олинмади. Конкрет хизматлар учун эмас, балки юбилей муносабати билан тез-тез мукофотлар берилди. Жамоат ташкилотларининг, меҳнат коллективларининг, меҳнаткашларнинг марказий ва маҳаллий органларга мурожаатларида, матбуотда эълон қилинган мақолаларида ана шу камчиликлар ҳақли равишда кўрсатиб ўтилмоқда.

КПСС Марказий Комитети меҳнаткашларнинг СССР давлат мукофотлари билан тақдирлаш практикасини жиддий равишда ўзгартиришга қаратилган таклифларини қўллаб-қувватлади. КПСС Марказий Комитети СССР Олий Совети Президиуми томонидан қабул қилинган СССР давлат мукофотлари билан тақдирлаш тартибини такомиллаштириш чораларини маъқуллади.

Иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетларига, ўлка, область, округ, шаҳар, район партия комитетларига, бошланғич партия ташкилотларига давлат мукофотлари билан тақдирлашга тақдим этиш асосан меҳнат коллективларининг ташаббуси билан социал адолат принципларига мувофиқ равишда, жамоатчилик фикрига таяниб ошкора ўтказилишига эришиш таклиф қилинди. Бунда мукофотланувчиларга қатъий равишда яккама-якка ёндашишни таъминлаш, уларнинг шахсий хизматлари ва ютуқларини ҳар томонлама ҳисобга олиш лозим. Меҳнат коллективлари йиғилишларида ҳамда меҳнат коллективлари кенгашларининг мажлисларида ана шу масалаларнинг муҳокама қилиниши принципиал ва рўй-рост тус олиши, ноҳақ тақдим этиш ҳоллари, шошма-шошарлик ва кампаниячилик элементлари истисно қилиниши муҳимдир.

Давлат мукофотига ишлаб чиқаришда, фан, техника ва маданиятнинг турли соҳаларида, маориф, соғлиқни сақлаш, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасида ғоят катта ютуқларга эришган, давлат ва жамоат фаолиятида ўзини фаол кўрсатган, Ватан тоширириқларини бажариш, жамоат тартибини сақлаш чоғида мардлик ва жасорат кўрсатган, ўзининг бутун меҳнати билан одамларнинг ҳурмат ва эътиборини қозонган кишиларгина тақдим этилиши мумкин.

Белгиланган чораларнинг амалга оширилиши юксак унумли, ҳалол меҳнатни рағбатлантиришга, одамларнинг ташаббускорлиги ва ижодкорлигини ривожлантиришга, уларнинг умумхалқ ишига қўшадиган шахсий ҳиссаларини кўпайтиришга кўмаклашиши лозим.

Республикалар, ўлкалар, областлар, округлар, шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларининг, шунингдек меҳнат коллективларининг шонли саналари нишонланадиган ҳолларда табриклаш, қутлаш, тақдирлашнинг хилма-хил формаларидан кенгроқ фойдаланиш, ҳурмат бажо келтиришнинг бошқа усулларидан фойдаланиш, бу ишга кенг жамоатчиликни, оммавий ахборот воситаларини жалб қилиш лозим.

Қарорда корхоналар, ташкилотлар, муассасалар раҳбарларини, партия, совет, комсомол ходимларини, жамоат ташкилотлари органларининг раҳбар ходимларини давлат мукофотлари билан тақдирлаш устидан, шунингдек Совет Иттифоқи Қаҳрамони ёки Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони беришга тавсия этиш, Ленин ордени ва Октябрь Революцияси ордени билан мукофотлашга тақдим этиш устидан партия комитетлари контролини кучайтириш чоралари белгилаб берилди.

Партия, совет, хўжалик, касаба союз ва комсомол органларининг мукофотланганлар эришган ютуқлари ва уларнинг хизматларини пропаганда қилишни, уларнинг илғор тажрибасини оммалаштиришни яхшилаш ишлари катта аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди.

СССР Олий Совети Президиумининг қарори

СССР давлат мукофотлари билан тақдирлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида

Совет жамияти турмушининг ҳамма соҳаларини ҳар томонлама янгилаш шароитида қайта қуриш, мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш, жамиятнинг маънавий турмушини бойитиш, Ватаннинг мудофаа қобилиятини, унинг халқаро позицияларини мустаҳкамлаш ишига кўшган ғоят катта шахсий ҳиссаси учун совет кишиларини маънавий рағбатлантириш, бунда ўз меҳнат ва ижтимоий бурчини фидокорлик билан бажараётган гражданларнинг хизмати умумхалқ томонидан эътироф этилишининг ифодаси сифатида давлат мукофотларининг ролини ошириш катта аҳамиятга эга бўлади. Шу муносабат билан СССР давлат мукофотлари билан тақдирлаш тартибини яхшилаш, бу мукофотларнинг нуфузини ошириш зарурати вужудга келмоқда. Давлат мукофотлари билан рағбатлантириш социал адолат принциплари, ошкоралик негизида, меҳнат коллективларининг фаол иштироки билан, чинакам демократия шароитида амалга оширилиши керак.

СССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

1. СССР давлат мукофотлари билан тақдирлашга ишлаб чиқариш, фан, халқ маорифи, соғлиқни сақлаш, маданият, фаолиятнинг бошқа соҳаларидаги айрим ходимлар, меҳнаткашлар группалари мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантириш ва маданий қурилиш вазифаларини ҳал этишдаги конкрет юксак ютуқлари учун мукофотланувчиларнинг шахсий хизматларини ҳисобга олган ҳолда тақдим этилсин. Бундан буён оммавий тарзда, жумладан беш йиллик якунларига кўра мукофот берилмасин.

Ҳар бир меҳнат коллективи СССР давлат мукофотлари билан тақдирлаш тўғрисида мустақил равишда илтимос қилиш ҳуқуқига эгадир.

СССР давлат мукофотларига тақдим этиш партия, совет, касаба союз, комсомол органларининг, бошқа жамоат ташкилотлари органларининг, министрликлар, давлат комитетлари, идораларнинг ташаббуси билан амалга оширилиши мумкин.

Мукофотлар учун номзодлар меҳнат коллективи йиғилишида ёки унинг кенгашида кўриб чиқилади, бу ҳақда мукофот варақасига ёзиб қўйилади. Мукофотлаш тўғрисидаги тавсиянома рад этилган тақдирда, бундай қарорнинг сабаблари меҳнат коллективига тегишли орган томонидан тушунтириб берилади.

2. Мукофотлаш учун номзодларни танлаш чоғида мукофотнинг тақдирланувчининг ҳақиқий хизматларига мос келиши принципига амал қилинсин. Белгилаб қўйилсинки, меҳнатдаги хизматлари учун Ленин ва Октябрь Революцияси орденлари билан мукофотлашга одатда илгари бошқа орден билан тақдирланган кишиларгина тақдим этилиши мумкин. Ленин ордени билан мукофотлашга иккинчи марта тақдим этишга йўл қўйилмайди, ўрнак кўрсатган кишилар Совет Иттифоқи Қаҳрамони ёки Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони билан тақдирланган ҳоллар бундан мустасно. Октябрь Революцияси ордени билан мукофотлашга ҳам такрорий тақдим этилмайди. Даражаси бўлган орден ва медаллардан ташқари бошқа бир номдаги орденлар ва медаллар билан мукофотлашга камдан-кам ҳоллардагина йўл қўйилади. Орден ёки медалга навбатдаги тақдим қоида сифатида СССР давлат мукофоти билан олдинги тақдирлашдан кейин камида беш йил ўтгач мумкин бўлади. СССР гражданлари гражданлик ва ҳарбий бурчини бажариш чоғида кўрсатган мардлиги ва жасорати учун олдин қачон мукофотланганидан қатъи назар навбатдаги мукофотга тақдим этилиши мумкин.

Совет гражданлари меҳнат фаолияти даврида уларнинг юбилейлари муносабати билан СССР давлат мукофотлари билан тақдирланмайдилар.

3. Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари ва Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари тегишли «Олтин Юлдуз» медали ҳамда «Ўроқ ва Болға» олтин медали билан такрорий равишда мукофотланмайдилар. Айни бир вақтда Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ҳам бўлган Совет Иттифоқи Қаҳрамонларига давлат органлари ва жамоат ташкилотларининг илтимосномасига мувофиқ уларнинг бронза бюстлари ўрнатилиши мумкин. Қаҳрамонлар ҳаётлиги чоғида бронза бюстлари ўрнатилмайди.

4. «Ҳурмат Белгиси» ордени бундан буён Ҳурмат ордени деб юритилсин.

Одамларнинг ҳаётини сақлаб қолиш, жамоат тартибини ва социалистик мулкни қўриқлаш чоғида, жиноятчиликка, табиий офатларга қарши курашда ва бошқа фавқулодда вазиятларда мардлик ва жасорат кўрсатган гражданларни мукофотлаш учун «Шахсан мардлик кўрсатганлик учун» ордени таъсис этилсин. СССР Ички ишлар министрлиги, СССР Юстиция министрлиги бошқа манфаатдор ташкилотлар иштирокида бир ой ичида «Шахсан мардлик кўрсатганлик учун» ордени статути ва унинг тасвири лойиҳасини ишлаб чиқсин ва тақдим этсин.

5. Меҳнат фаолияти соҳасида етакчи касб ходимларининг жуда катта ютуқлари ва юксак маҳоратини рағбатлантириш мақсадида қуйидаги СССР фахрий унвонлари бўлиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин:

«СССР халқ ўқитувчиси»,
«СССР халқ врачи»,
«СССР халқ артисти»,
«СССР халқ рассоми»,
«СССР халқ архитектори»,
«СССР космонавт-учувчиси»,
«СССРда хизмат кўрсатган саноат ходими»,
«СССРда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими»,
«СССРда хизмат кўрсатган қурувчи»,
«СССРда хизмат кўрсатган транспорт ходими»,

(Давоми иккинчи бетда).

БУТУН КУЧ—ҲОСИЛ ЙИҒИМ-ТЕРИМИГА!

ДАЛА НЕЪМАТЛАРИНИ ВАҚТИДА ЙИҒИБ, ТАШИБ ОЛИШ, СИФАТЛИ АСРАШ ВА ҚАЙТА ИШЛАШ—БАРЧАНИНГ БУРЧИ

Ғузор районидаги «Партия XXII съезди» колхозининг Ҳаким Ҳамроев бошлиқ бригадаси бу йил ингичка толали пахтанинг «Термиз-14» навини экиб, мўл ҳосил тўплашга эришди.

...Меҳнат ветеранларидан иборат бу пахтакор коллектив ўтган йили ташкил этилганди. Оқсоқолларга ташландиқ ерлар ажратиб берилди. Улар дастлабки йилданоқ бригада пудрати асосида ишлаб, юксак маҳоратлари, меҳнатсеварликлари туфайли яхши натижаларга эришгандилар. Йиллик план ортиғи билан уддаланди.

Оқсоқоллар бу йил ҳам ҳар гектар майдондан 38 центнердан «оқ олтин» териб олишга қатъий аҳд қилишган. Айни кунларда бу ерда очилган пахталарни танлаб теришга киришилди.

Суратда: кекса пахтакорлар — Омон Бўриев (чапда) билан Мустафо Жумаев.

Ш. Шаропов фотоси (ЎзТАГ).

• Деҳқон ташвиши

БИЗДА НИМА АЙБ?

ЯНГИЙЎЛ ҚАЙТА ИШЛАШ КОРХОНАЛАРИ САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ИШЛАРИНИ ПАЙСАЛГА СОЛМОҚДА

Областимизда аҳолини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаш масаласига тобора кўпроқ эътибор берилмоқда. Колхоз ва совхозларда айниқса, кейинги йилларда қисқартирилган пахта майдонларининг бир қисмига сабзавот ва полиз маҳсулотлари экилмоқда. Бунинг самарасини бу йилги серобчиликдан ҳам билиш мумкин. Чунончи, аксарият кооператив савдоси, хўжаликларнинг дўконлари ва фирма магазинларида 10 — 12 турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг мавжудлиги харидорларни қувонтирмоқда. Кундалик эҳтиёж учун кўпроқ ишлатиладиган помидор, бодринг, картошка, турли хил ошкўклар, олма, полиз маҳсулотлари пештахталарда бор.

Бу яхши. Бироқ бу ҳол доимийлик касб этмаяпти. Нега? Чунки тайёрлов пунктлари етиштирилган тайёр маҳсулотларни пешма-пеш қабул қилмаяпти. Натижада колхоз-совхозлар билан савдо ташкилотлари ўртасида тузилган шартнома шартлари бажарилмаётир. Маҳсулотлар сифати бузилиши ҳоллари содир бўлмоқда. Масалан, 6 август куни бизнинг Ҳамроқул Турсунқулов номли колхозимиз пайкалларидан узилган 3 тонна помидор икки кеча-кундуз ҳаракатсиз туриб қолди. Навбат келиб, қабул қилинаётган пайтда эса маҳсулотнинг 61 проценти стандарт талабларига жавоб бермади. 14 август куни ҳам колхоздан жўнатилган 2 тонна полиз маҳсулотлари Янгийўл шаҳар савдоси идораси айби билан икки кеча-кундуз машиналарда туриб қолди. Бизнинг талаб-мурожаатларимизга тегишли муассасалар «магазинлар қабул қилмаяпти» деган баҳонани рўкач қилишмоқда. Худди шу куни ортиб жўнатилган 30 тонна пиёз, 10 тонна полиз маҳсулотлари Сергели район тайёрлов идораси томонидан «жой йўқ» деган баҳона билан хўжаликка қайтарилди.

Шуниси ажабланерлики, юқоридаги икки ташкилот билан ҳам бу борада тегишли шартнома тузилган эди. Нега энди бу шартномага амал қилинмаслиги керак? Нима учун ўз сўзининг уддасидан чиқмаганлар тартибга чақирилмайди?

Маълумки, қайта қуриш даврида ҳамма нарса ҳисоб-китобли бўлиши керак. Деҳқоннинг бугуни ва эртаси ҳам пировард натижага кўп жиҳатдан боғлиқ. Шу нуқтаи назардан давлатга 2 минг тоннадан зиёд сабзавот, 545 тонна картошка, 800 тонна полиз маҳсулотлари, 466 тонна мева сотишга аҳд қилган деҳқонларимиз ўзлари етиштирган маҳсулотлар тақдири ҳақида қайғуришлари табиий ҳол.

Яна бир муаммо. Янгийўл консерва заводига 47 тонна қизилча топшириш тўғрисида корхона маъмурияти билан шартнома тузганмиз. Бироқ заводга 11 тонна маҳсулот топширилди-ю, вазият ўзгарди. Завод раҳбарлари «қолган маҳсулотларни ололмаймиз» деб оёқ тираб олишди. Ҳозир қолган 3 гектар ердаги қизилчани кавлаб олишни ҳам, олмасликни ҳам билмай турибмиз.

Бундай манзаралар бугунги кунда район, шаҳар ташкилотларининг кўпчилигига хосдир. Хулоса қилиб айтганда, тайёр маҳсулотини топширолмай сарсон-саргардон бўлаётган деҳқонда нима айб? У кўраётган иқтисодий зарарни ким тўлайди?

Булки АСЛАНОВ,
Янгийўл шаҳридаги Ҳамроқул Турсунқулов номли колхоз бош агрономи.

В. П. НИКОНОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА БЎЛИШИ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари В. П. Никонов Узбекистонда меҳмон бўлиб турибди. Республикада бўлган чоғида у Фарғона, Самарқанд, Тошкент областларининг бир қанча колхозлари, совхозлари, агросаноат корхоналарида бўлди.

Республика меҳнаткашлари билан бўлган суҳбатлар чоғида коммунистлар, барча совет кишилари XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси йўл-йўриқларини, партия Марказий Комитетининг 1988 йил июль Пленуми қарорларини амалга оширишга ғайрат-шижоат билан, амалий тарзда киришганликлари таъкидланди. Бу йўл-йўриқ ва қарорларнинг бажарилиши одамларни фидокорлик билан, топширилган иш учун масъулиятни ҳис этиб ишлашга рағбатлантиришига эришиш лозим.

В. П. Никонов Қува районидаги «Коммунизм» ва Тошлоқ районидаги «Фарғона» колхозларининг пахта далаларида бўлди, деҳқонлар билан суҳбатлашди, экинларнинг ривожи, йиғим-теримга тайёргарликнинг боришини сўраб суриштирди. Ҳосилни сақлаб қолишнинг биологик усулларини жорий этишга, пахта толасининг сифатини ошириш масалаларига алоҳида эътибор берилди. Тошлоқ районидаги «Ленинград» колхози марказий қўрғонида колхозчилар билан бўлган суҳбат чоғида область қишлоқларида уй-жой программасини амалга ошириш масалалари тилга олинди.

КПСС Марказий Комитети секретари Қувадаги анор етиштиришга ихтисослашган «Анор» совхози иши билан танишди, область марказидаги колхоз бозорига борди, қишлоқ хўжалик маҳсулотининг нарх-навоси билан қизиқди.

В. П. Никонов Марғилон шойи комбинатига борди, ушбу корхона цехларида ишчилар билан суҳбатлашди.

КПСС Марказий Комитети секретари Каттақўрғон районидан пудрат усулида ишлаётган чорвачилик комплексининг иши билан батафсил танишди. Механизация кенг жорий этилганлиги, мустаҳкам озуқа базаси вужудга келтирилганлиги туфайли мазкур корхонада гўштнинг таннархи арзонга тушмоқда, новвослар 545 килограммгача семиртирилганидан кейин сўйишга топширилмоқда.

В. П. Никонов комплекс меҳнаткашлари билан суҳбат вақтида меҳнатнинг янги прогрессив формалари, жумладан ижара пудратини жорий этиш масалалари, қишлоқларни социал-маиший жиҳатдан қайта қуриш, кооператив ҳаракатни ривожлантириш муаммолари билан қизиқди.

Суратда: В. П. Никонов Фарғона шаҳри меҳнаткашлари билан суҳбатлашмоқда.

Б. ЮСУПОВ фотоси (ЎзТАГ).

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари В. П. Никонов Узбекистонда бўлиб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов, Узбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ғ. Ҳ. Қодиров ҳамроҳ бўлдилар.

(ЎзТАГ).

СССР ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИ БИЛАН ТАҚДИРЛАШ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши биринчи бетда).

«СССРда хизмат кўрсатган алоқа ходими»,

«СССРда хизмат кўрсатган ихтирочи»,

«СССРда хизмат кўрсатган синовчи-учувчи»,

«СССРда хизмат кўрсатган синовчи-штурман»,

«СССР Қуролли Кучларининг хизмат кўрсатган мутахассиси».

СССР Юстиция министрлиги манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда 1988 йил 1 октябрга қадар СССР Олий Совети Президиумига «СССРда хизмат кўрсатган саноат ходими», «СССРда хизмат кўрсатган қурувчи», «СССРда хизмат кўрсатган транспорт ходими», «СССРда хизмат кўрсатган алоқа ходими», «СССР Қуролли Кучларининг хизмат кўрсатган мутахассиси» фахрий унвонлари тўғрисидаги низом лойиҳаларини, 1989 йил 1 январга қадар СССР давлат мукофотлари тўғрисидаги қонунларни мазкур қарорга мувофиқлаштириш ҳамда СССР орденлари статуслари, СССР медаллари ва фахрий унвонлари тўғрисидаги низомларга ўзгартиш киритиш тўғрисидаги таклифларни тақдим этсин, бунда мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш, ижтимоий ҳаётининг ҳамма соҳаларини қайта қуриш, мукофотларга тавсия қилиш жараёнини янада демократиялаш вазифаларини ҳисобга олиб, мукофотлаш асосларини аниқлаш кўзда тутилсин.

СССР Юстиция министрлигига, СССР Меҳнат ва социал масалалар давлат комитетига, СССР Соғлиқни сақлаш министрлигига, СССР Халқ таълими давлат комитетига, СССР Фанлар академиясига, Совет хотинқизлари комитетига бошқа манфаатдор министрликлар ва идоралар билан биргаликда кўп болали оналарни мукофотлаш, уларнинг болаларни тарбиялаш ва оилани мустаҳкамлашдаги иштирокини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши лозимлигини кўзда тутиб, 1989 йил 1 январга қадар кўп болалилик учун СССР давлат мукофотлари билан маънавий рағбатлантиришни такомиллаштиришга доир тадбирларни ишлаб чиқиш ва тақдим этиш топширилди.

6. Меҳнаткашларни СССР давлат мукофотлари билан тақдирлашга тавсияномалар:

умумиттифоқ ва иттифоқ — республика министрликлари, давлат комитетлари, СССР идоралари системасига кирувчи корхоналар, бирлашмалар, муассасалар, ташкилотлар ходимларига — тегишли касаба союз Марказий Комитетлари билан биргаликда СССР министрликлари, давлат комитетлари, идоралари томонидан;

иттифоқдош республикаларнинг республика министрликлари, давлат комитетлари, идоралари системасига кирувчи корхоналар, бирлашмалар, муассасалар ва ташкилотлар ходимларига — касаба союзлари республика Советлари билан биргаликда, РСФСРда эса — тегишли касаба союз Марказий Комитетлари билан биргаликда; иттифоқдош республикалар Министрлар Советлари томонидан;

колхозлар, бошқа қишлоқ хўжалик кооперативлари, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги кооперативларнинг аъзоларига — касаба, союзлари республика Советлари билан биргаликда, РСФСРда эса —касаба союзлари Марказий Комитети билан биргаликда иттифоқдош республикалар Министрлар Советлари томонидан, матлубот кооперативларининг аъзоларига касаба союз Марказий Комитети билан биргаликда Центросоюз правлениеси томонидан;

жамоат ташкилотларининг корхоналари, бирлашмалари ва муассасалари ходимларига, ижодий союзларнинг аъзоларига касаба союз Марказий Комитетлари билан биргаликда жамоат ташкилотлари, ижодий союзларнинг умумиттифоқ органлари томонидан бевосита СССР Олий Совети Президиумига тақдим этилади.

Корхоналар, бирлашмалар, муассасалар ва ташкилотлар ходимларини мукофотлаш тўғрисида меҳнат коллективларининг илтимосномалари район ва шаҳар партия комитетлари ҳамда халқ депутатлари район ва шаҳар Советларининг ижроия комитетлари билан келишиб олинади.

7. Иттифоқдош ва автоном республикалар, ўлкалар ва областлар, автоном областлар, автоном округлар, районлар, шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктлари, шунингдек меҳнат коллективлари бундан буён СССР орденлари билан мукофотланмасин.

8. Иттифоқдош республикалар Олий Советларининг Президиумларига республикаларда амал қилаётган давлат мукофотлари системасини такомиллаштириш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш ҳамда бундай мукофотлар билан тақдирлаш практикасини яхшилаш чораларини кўриш тавсия қилинсин. Революцион ва меҳнат анъаналарини ҳисобга олиб, иттифоқдош республикаларнинг атоқли тараққийпарвар миллий арбоблари номини абадийлаштирадиган янги давлат мукофотларини белгиланган тартибда таъсис этиш имкониятлари кўзда тутилсин.

9. Министрликлар, давлат комитетлари ва идоралари, жамоат ташкилотларининг органлари, меҳнат коллективлари, оммавий ахборот воситалари давлат мукофотларига сазовор бўлган гражданларнинг ютуқларини кенг пропаганда қилиб, меҳнаткашларни, аввало ёшларни уларнинг намунасида тарбиялосинлар, бунда ўзининг халқ олдидаги, социалистик Ватан олдидаги бурчини фидокорона, зўр гайрат ва ижодкорлик билан бажараётган кишиларгина юксак мукофотга муносиб эканлигини ишонарли тарзда кўрсатиб берсинлар.

10. Совет органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари СССР Олий Совети Президиуми томонидан белгилаб қўйилган СССР давлат мукофотларидан маҳрум этиш тартибига оғишмай риоя қилинишини контрол қилиб боришни таъминласинлар, бу ишда юксак принципиаллик кўрсатилишига, номуносиб кишиларда давлат мукофотларининг сақланиб қолиши ҳолларига чек қўйилишига эришсинлар.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
А. ГРОМИКО.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.

Москва, Кремль. 1988 йил 22 август.

СССР Олий Совети Президиумининг Фармони

СССР ФАХРИЙ УНВОНЛАРИ СИСТЕМАСИГА АЙРИМ ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

СССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

1. СССРнинг қуйидаги фахрий унвонлари таъсис этилсин: «СССРда хизмат кўрсатган саноат ходими», «СССРда хизмат кўрсатган қурувчи», «СССРда хизмат кўрсатган транспорт ходими», «СССРда хизмат кўрсатган алоқа ходими», «СССР Қуролли Кучларининг хизмат кўрсатган мутахассиси».

2. СССРнинг қуйидаги фахрий унвонлари бекор қилинсин: «СССРда хизмат кўрсатган ҳарбий учувчи», «СССРда хизмат кўрсатган ҳарбий штурман», «СССРда хизмат кўрсатган учувчи», «СССРда хизмат кўрсатган штурман», «СССРда хизмат кўрсатган синовчи парашютчи», «СССРда хизмат кўрсатган мелиоратор», «СССРда хизмат кўрсатган конструктор», «СССРда хизмат кўрсатган технолог», «СССРда хизмат кўрсатган машинасоз».

Ушбу моддада санаб ўтилган СССР фахрий унвонлари билан тақдирланган кишилар шу унвонга ва унвон берган ҳуқуқларга эга бўлиб қолаверадилар.

3. СССР Олий Совети Президиумининг 1979 йил 3 июль Фармони (СССР Олий Советининг ведомостлари, 1979 йил, №28, 479-модда; 1982 йил №1, 1-модда, №23, 408-модда; 1984 йил №29, 502-модда, №44, 769-модда; 1985 йил №25, 445-модда, №34, 615-модда) билан тасдиқланган СССР орденлари, медаллари ва фахрий унвонлари тўғрисидаги умумий қоиданинг 19-моддаси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«19-модда. СССРнинг қуйидаги фахрий унвонлари таъсис этилган:

«СССР халқ ўқитувчиси»,

«СССР халқ врачи»,

«СССР халқ артисти»,

«СССР халқ рассоми»,

«СССР халқ архитектори»,

«СССР космонавт-учувчиси»,

«СССРда хизмат кўрсатган саноат ходими»,

«СССРда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими»,

«СССРда хизмат кўрсатган қурувчи»,

«СССРда хизмат кўрсатган транспорт ходими»,

«СССРда хизмат кўрсатган алоқа ходими»,

«СССРда хизмат кўрсатга ихтирочи»,

«СССРда хизмат кўрсатган синовчи-учувчи»,

«СССРда хизмат кўрсатган синовчи-штурман»,

«СССР Қуролли Кучларининг хизмат кўрсатган мутахассиси».

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
А. ГРОМИКО.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.

Москва, Кремль. 1988 йил 22 август.

Мусобақа ғолибига Қизил байроқ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Узсовпроф ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети Иваново, Владимир, Новгород ва Тюмень областларига оталиқ ёрдами кўрсатаётган қурилиш ташкилотлари коллективлари социалистик мусобақасининг 1988 йил иккинчи квартал якунларини кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон ССР Автомобиль йўлларини қуриш ва улардан фойдаланиш министрлигининг «Узурайдорстрой» трести коллективи социалистик мусобақа ғолиби, деб топилди ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Узсовпроф ҳамда Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланди.

• Ўзбекистон ва жаҳон

ЖАМОАТЧИЛИК ЙИҒИЛИШИ

Ўзбекистон меҳнаткашлари Руминиянинг миллий байрами — фашистлар зулмидан озод қилинган кунни, антифашист ва антиимпериалистик революциянинг, социал ва миллий озодликнинг 44 йиллигини нишонлади. Шу муносабат билан 23 август куни Тошкентда жамоатчилик вакилларининг, Совет — Руминия дўстлиги шаҳар жамияти активларининг йиғилиши бўлди.

Йиғилиш қатнашчиларининг нутқларида қайд этиб ўтилганидек, Руминия билан СССР ўртасида иқтисодий, савдо ва маданий алоқалар йил сайин мустаҳкамланиб, ривожланиб бормоқда. Ҳар иккала мамлакат социализмнинг туб вазифаларини ҳал этиш, одамларнинг турмуш даражасини юксалтириш, ҳозирги дунёда янгича сиёсий фикрлашни қарор топтириш учун фаол курашаётганлиги таъкидлаб ўтилди.

Йиғилишда Руминия Социалистик Республикасининг СССРдаги элчихонаси иккинчи секретари Корнэл Георгиаш қатнашди.

В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалида шонли санага бағишланган фотокўргазма очилди.

(ЎзТАГ).

22 август куни Бразилия Федератив Республикаси Сеара штати делегациясининг Ўзбекистон ССРга визити якунлари юзасидан ҳамжиҳатлик протоколи имзоланди.

Суратда: Протоколни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, республика Давлат агросаноат комитети раиси Й. Ҳ. Жўрабеков ва Сеара штатининг вице-губернатори Ф. Кастелло имзолашмоқда.

Р. ШАГАЕВ фотоси (ЎзТАГ).

• Ҳисобот ва сайлов: XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси позициясидан

Республика партия группаларида ва цех ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари давом этмоқда. Коммунистлар ўзларининг асосий кенгашларига одатда энг ўткир, етилган муаммоларни қўймоқдалар, партия умумий сафида ҳар бир кишининг ўрнини аниқ, ҳалол ва принципиал белгилашга уринмоқдалар, иш самарадорлигини оширишнинг таъсирчан чораларини белгиламоқдалар.

XIX Бутуниттифоқ партия конференциясининг, КПСС Марказий Комитети 1988 йил июль Пленумининг қарорлари коммунистларнинг диққат марказида турибди. Ҳозирги ҳисобот-сайлов йиғилишларининг кўпи партия ана шу анжуманлари позициясида, уларнинг руҳида ўтказилмоқда. Афсуски, ҳамма жойда ҳам шундай бўлаётгани йўқ. Йиғилишларда иштирок этган ЎзТАГ мухбирларининг баъзи хабарларида айрим коммунистлар майда ишларга аралашиб қолиб, йиғилишни ўзига хос ишлаб чиқариш кенгашига айлантириб юбораётганликлари, қандайдир муаммоларни «умуман» муҳокама қилаётганликлари маълум бўлмоқда. Табиийки, бундай «кенгаш» самараси жуда кам бўлади, чунки партия қуйи бўғинлари турмушидаги бирорта ҳам ўткир жиҳатни аниқлашга муваффақ бўлинмайди.

Баъзи жойларда яна эски ақидаларга амал қилинмоқда, мажлиснинг қандай ўтиши олдиндан белгилаб қўйилмоқда, бундай йиғилишда ҳар бир киши олдиндан белгилаб қўйилган «ролни ўйнайди», йиғилишнинг қандай тугаши олдиндан маълум бўлади. Бу эса Устав талабларини, партия этникаси нормаларини тўғридан тўғри бузишдир. Мазкур партия ташкилотларининг коммунистлари бундай ҳолларга қарши қатъий кураш олиб боришлари керак. Одамларни курашга бошлаш учун улар аввало эски андозалар олдида, қайта қуришга яширин ва ошкора қаршилик олдида, шиорларни пеш қилиб эски, қоралланган методлар билан иш тутаётган кишилар олдида чекинмасликни ўрганиб олишлари лозим.

СЕНИНГ ЖОЙИНГ ҚАЙТА ҚУРИШНИНГ ОЛДИНГИ МАРРАСИДА

БУ НАВБАТДАГИ ШИОР ЭМАС, БАЛКИ ҲАР БИР КОММУНИСТ УЧУН ДАВРНИНГ ҚАТЪИЙ ТАЛАБИДИР

Шундай бўлдики, коммунистларнинг партия топшириқларини қандай бажараётганликлари, уларнинг авангардлик ролини жонли муҳокама қилиш ўрнига партия ташкилоти қайта қуришда ҳали ўз ўрнини топиши керак, кадрларни тўғри танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш орқали иш олиб бориши идеология вазифаларини ҳамиша эътиборда тутиши лозим деган қуруқ гаплардан нарига ўтилмади. Йиғилишнинг бундай йўналишини унда сўзга чиққан Сирдарё область партия комитетининг секретари Б. Маҳмудов ҳам ўзгартира олмади.

Олдиндан белгилаб қўйилганидек, автокран ҳайдовчиси Ю. Третьяков партия группасининг янги ташкилотчиси, З. Хусаинов эса унинг ўринбосари қилиб сайланди. Афсуски, бошқа номзодлар кўрсатилмади. Бу ҳам коммунистлар пассивлигининг, партия ташкилотларида иш кўнгилдагидек эмаслигининг яна бир далилидир.

Редакциядан. Сафсатабозлик ўтмишга айланмоқда — деяпмиз. Лекин бу жараён тез боряптми? Умумий гаплар, ҳеч кимга кераксиз ҳисоботлар, ишчанлик билан гаплаша олмаслик — буларнинг ҳаммаси яшовчан бўлади. Чамаси сўнгги уч йилдаги воқеалардан баъзи бировлар ҳануз ҳеч қандай хулоса чиқармаганга ўхшайди. Ишларни конкрет таҳлил қилиш ўрнига қуруқ сафсата, «шу билан бирга... лекин...» деган жумлалар докладдан докладга кўчмоқда.

Бизни айниқса қуйидаги аҳвол ташвишга солмоқда. Оммавий ахборот воситалари ходимларининг хабарларига асосланиб фикр юритадиган бўлсак, коммунистлар ўз ишлари ҳақидаги навбатдаги ҳисобот ўзини-ўзи алдашни яхши тайёргарлик кўрилмаган, носамимий, шу кун талабларига мос келмайдиган ҳисобот, деб кескин тўхтатиб қўйган мисол республикада ҳозирча йўқ. Одамлар йиғилишларда қуруқ гапларни тинглаб, тўнғиллаб ўтиришади, кейин вақтни беҳуда кетганидан афсусланишади, аммо ҳеч ким бундай аҳвол йўлига партиявий ғов солмаяпти. Ахир бу ҳар қандай партия ташкилотининг ҳуқуқи-ку. Энг кичик ташкилот ҳам шундай ҳуқуққа эга. Буни бирон киши эслайдими ахир?

НА СОН БОР, НА МАҲОРАТ

● Навоий районидаги «Нарпай» совхозининг тўртинчи бўлимига қарашли трактор паркида бўлиб ўтган йиғилиш Сирдарё областидаги йиғилишдан баъзи тафсилотлари билангина фарқ қилади. ЎзТАГ мухбири Станислав Рухмалев бу йиғилишдан қисқа репортаж тайёрлади.

Бу ердаги партия группаси катта эмас — — беш нафар КПСС аъзоси бор.

— Лекин биз сон билан эмас, балки маҳоратимиз билан кучли бўлишимиз керак, — деди группа ташкилотчиси С. Солиев. Лекин у партия группаси кам ташаббус кўрсатганлигини, кўпроқ бўлим ва совхоз партия ташкилотлари кўрсатмаси билан иш тутганлигини тан олди. Йиғилишлар кам ўтказилди, уларда асосан соф ишлаб чиқариш масалалари муҳокама қилинди. Коллективдаги партия турмуши, сиёсий ҳаёт муаммолари орқага суриб қўйилди.

Гидротехник Т. Очилов партия группаси иқтисодий масалаларда ҳам, социал масалаларда ҳам бир четда кутиб туриш позициясида турганлигини очиқ айтди. Энг яхши оилавий звеноларнинг тажрибаси пропаганда қилинмади. Тўртинчи бўлим территориясида яшаётган кўпгина кишилар жамоат ишларида қатнашмаётганлиги шундан эмасмикан. Инсон омили тўғрисида кўп гапирилмоқда. Амалда эса одамлар учун оддий шароит ҳам яратилмаяпти: бу ерда биронта дала шийпони, сартарошхона ва бошқа маиший хизмат устахонаси йўқ. Коммунистлар эса бу масалаларни эътибордан четда қолдирдилар.

Коммунист, бундай қараганда, ўткир танқидий чиқиш қилгандек бўлди, лекин бу кўнгилсиз саволларни кимга айтаётганлиги номаълум қолаверди. Ҳолбуки, тўртинчи бўлимнинг партия группаси доимий собитқадамлик билан ана шу саволларга жавоб бериши керак. Камчиликларни кўрсатиб ўтиш қийин эмас, лекин бу тайёрга айёрликнинг бир кўриниши эмасми? Бу ердаги коммунистлар эса юқоридан одамлар келиб, маиший хизмат ходимлари билан сартарошхона ва бошқа устахоналар очиб беришини, хуллас тартиб ўрнатишини кутиб ўтиришгандек туюлади. Ахир уларнинг ўзлари нега бу ҳақда бош қотиришмаяпти?

Коммунистлар бошқа камчиликларни ҳам кўрсатиб, уларни бартараф этишнинг аниқ тадбирларини белгиладилар. Бригадир С. Солиев яна партия группасининг ташкилотчиси қилиб сайланди, унинг фақат ишлаб чиқаришда эмас, барча жамоат ишларида ҳам шахсий намуна кўрсатиши зарурлиги уқтирилди. Трактор парки группасининг коммунистлари тўртинчи бўлим бошқарувчиси А. Норқуловни «Нарпай» совхози партия комитети составига киритишни таклиф қилдилар.

СЎЗ БИЛАН ИШ БИР БЎЛСИН

● Намангандаги шойи ишлаб чиқариш бирлашмаси бадиий ўймакорлик бўлимида бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишида 7 коммунистнинг ҳаммаси ва бир неча баравар кўп партиясизлар тўпландилар, деб хабар қилди ЎзТАГ мухбири Равиль Бичурин.

Коммунистлар партия группасига бошчилик қилишни учинчи марта бригадир Энвер Абдуқодировга ишониб топширдилар. Ўтган йилларгадигидан фарқли равишда у шунчаки қўл кўтариш билан группа ташкилотчиси қилиб сайлангани йўқ. Ҳисобот бирлан биргаликда, агар яна группа ташкилотчиси этиб сайланса, нималар қилмоқчи эканлиги ҳақида гапириб беришига тўғри келди. Чунки бу лавозимга созловчи Аҳмад Ниёзхонов номзоди ҳам кўрсатилган эди. Бу тартиб йиғилишнинг жонли ўтишига сабаб бўлди — ҳозир бўлган кишиларнинг ҳар бири ўз фикрини айтишни истар эди. Кўпчиликка йиғилишда сўз берилди.

Докладни ва партия ташкилотчилигига номзодларни муҳокама қилиш чоғида турли фикрлар айтилди. Лекин мақтовлар бўлгани йўқ: ишдаги муваффақиятлар яққол бўлишига қарамай, партия группаси ишида анча камчиликлар аниқланди. Шу каби, партия ташкилотчиси номзодлари ҳам кўпгина мунозарага сабаб бўлди. Масалан, группа ташкилотчиси қилиб сайланган Абдуқодиров ҳақида, вужудга келган муаммоларни ҳал қилишда у ҳамиша ҳам етарли даражада принципиаллик қилмайди, дейишди. Масалан, йил бошидан буён бўлим тайёрлаган расм туширилган 6 та вални гул босувчилар қайтариб бердилар, бу ҳол коммунистлар учун, шахсан партия группасининг ташкилотчиси учун масалани коллективда муҳокама қилишга сабаб бўлмади, КПСС аъзолари лоқайд қолавердилар. «Бу аҳволга сира йўл қўйиб бўлмайди» деди йиғилишда Геннадий Сирота. — Коммунистлар бу аҳволга бефарқ қарасалар, қандай қилиб улар меҳнат коллективининг авангарди бўла оладилар, қандай қилиб коллективни янги меҳнат ғалабаларига даъват эта оладилар?

Шунга қарамай, йиғилиш қатнашчилари Абдуқодировнинг яхшигина ташкилотчилик қобилияти борлигини, унинг айниқса иш ва дам олиш учун нормал шароит яратиш масалаларида ташаббускорлигини ҳақли равишда айтиб ўтдилар. Унинг таклифига биноан бўлим ходимлари шанбаликлар ўтказиб, руҳий дам олиш зали, саунаси, душлари, тренажёрлари бор саломатликни тиклаш маркази бўлган дам олиш комплексини жиҳозладилар. Бу ташаббусни бирлашманинг бошқа коллективлари ҳам қўллаб-қувватлаб, бешта ана шундай комплекс барпо қилдилар.

Йиғилишда партия группасининг барча коммунистлари партия топшириқларини ва ишлаб чиқариш вазифаларини қандай бажараётганликлари ҳақида батафсил ҳисобот бердилар. Бу ишда камчиликлар ҳам мавжуд. Масалан, хизмат юзасидан коммунист Фаина Ҳакимовага ҳеч қандай эътироз йўқлиги, аммо унинг жамоат ишларида пассивлиги, баъзан эса умуман қатнашмаслиги айтиб ўтилди. Лариса Муратова шу ҳақда гапириб, йиғилиш қатнашчилари эътиборини қуйидаги масалага қаратди:

— Партияга кираётганимизда биз ҳамиша олдинги сафда бўламиз, бошқаларга намуна кўрсатамиз, деб ваъда берамиз. Бироқ ҳаётда бу ваъдамизни ҳамиша ҳам бажаравермаймиз. XIX Бутуниттифоқ партия конференциясида айни мана шунга алоҳида эътибор берилди.

Редакциядан: деярли ҳар бир йиғилишда коммунистларнинг авангардлик роли тўғрисида гап боради. Шуни таъкидлаш керакки, КПСС аъзолари ҳозир деярли ҳеч қаерда бу соҳадаги ишнинг аҳволидан тўла мамнун эмаслар. Қайта қуришга ҳисса қўшаётган партия группаларининг баъзи шубҳасиз ютуқлари ҳам ҳақиқий коммунистлар учун хотиржам бўлишга баҳона бўлолмайди. Бундай коллективларда партия группалари фақат оддий меҳнаткашларнинг ҳурмат-эътиборини қозонибгина қолмай, одатда маъмурият ҳам уларнинг барча ташаббусларини тушуниб етмоқда ва **қўллаб-қувватламоқда. Шунга** қарамай, айни шу соҳадаги ишлардан коммунистлар қониқишмаяпти. Чунки пухта ўйлаб иш қиладиган ташаббускор, ижодкор кишилар ҳамиша ўзлари қилган ишни кам деб ҳисоблайдилар, айнан шундай коммунистларни ҳақли равишда қайта қуришнинг ишбошчилари, ҳаракатга келтирувчи кучи, деб айтиш мумкин, юзлаб ва минглаб кишилар ана шундай кишиларга эргашадилар. Улар учун коммунистларда совет кишиларининг энг яхши фазилатлари мужассамлашгандир.

ОШКОРАЛИК, РЎЙРОСТЛИК ПОЗИЦИЯСИДАН ТУРИБ

● «Хоразм қурилиш материаллари» бирлашмасининг ишлаб чиқариш цехида ҳисобда турган 14 коммунистнинг ҳаммаси партия группаси ташкилотчиси Х. Отаевнинг ҳисобот докладини муҳокама қилишда қатнашди. Бу ерда биринчи марта коммунистлар ана шундай активлик кўрсатдилар, — дейилади ЎзТАГ мухбири Юсуф Иброҳимовнинг хабарида.

Ҳамма гап шундаки, Х. Отаев ҳозирги пайтда группа коммунистлари ва цехнинг бутун коллективи олдида турган энг асосий муаммоларни ўз докладида аниқ равишда кўрсатиб бера олмади. Масалан, корхонада социалистик мулкни ўғирлашга қарши кураш тўғрисида бир оғиз ҳам гапирмади. «Ҳолбуки бундай фактлар битта ёки иккита эмас,— деди музокарада Д. Искандарова. — Баъзи коммунистларимизга «мен сенга тегмай, сен менга тегма» қабилида яшамоқдалар, камчиликларга нисбатан муросасозлик қилмоқдалар. Ноқонуний соқчилар жуда ёмон ишламоқда, улар корхона дарвозасидан ташмачилар оҳак , цемент, бошқа материалларни олиб чиқиб кетишаётганини ҳам кўришмаяпти. Биз, коммунистлар бонг уришимиз лозим эди, бизэса ҳозирча бу аҳволга тоқат қилиб келяпмиз, демак ташмачиларни янги ўғирликларга рағбатлантиряпмиз».

Нотиқнинг ўткир танқидий сўзлари бошқа коммунистларнинг ҳам кўнгилда тугиб юрган ҳамма гапларини очиқ айтишларига туртки бўлди. Маълум бўлишича, уларнинг орасида лоқайд кишилар йўқ экан. Аммо кўп йиллар давомида ҳукм суриб келган ташаббусни бўғиш, ким танқид қилмаса ва бошлиқларнинг оғзига тикилиб турса, ўшани ҳурмат қилиш системаси ҳали ҳам таъсир қилмоқда. Лекин энди жим туришга тоқат қолмаяпти.

Ишчи Г. Нажимова кўп меҳнат талаб қиладиган ишларни механизациялаш зарурлиги, бу ишда коммунистларнинг бутунлай пассивлиги ҳақида гапирди. Ахир корхонадаги ускуналарнинг бир қисми эскириб қолган, ишламайди, уларни алмаштириш зарур. Партия группаси бу соҳада ниҳоят ўз ҳуқуқини кўрсатиши ва корхона раҳбариятидан амалий ёрдам берилишига эришмоғи керак.

— Коммунистлар кўпгина ишлаб чиқариш вазифаларини ҳал қилишда активлик кўрсатмаётирлар, деб таъкидлади оператор Н. Раззоқова. — Ташаббуснинг йўқлиги ишга зарар етказмоқда, ишлаб чиқариш суръатларининг пасайиб кетишига олиб келмоқда. Коллективда коммунистларнинг авангардлик роли сусайиб кетган, кўп кишиларимизга бефарқлик халқаит бермоқда. Бунинг оқибатида ишлаб чиқарилаётган бинокорлик материаллари сифатини тубдан яхшилашга, завод маркаси шарафини ҳимоя қилишга муваффақ бўлмаяпмиз.

Йиғилишда барча эътирозлар ва таклифлар натижасида яқин кунлар ва ойларда қилинадиган ишларнинг плани вужудга келди. Бундай программани ишлаб чиқишда биринчи марта барча коммунистлар қатнашдилар. Илгари эса бу иш партия группаси ташкилотчисининг зиммасига тушарди. Ана шу ўзгариш яқин вақт ичида партия группасининг иш услубида ҳам ўзгариш юз беришининг, у янада конкретроқ ва таъсирчан бўлишининг гаровидир.

Редакциядан: ҳозир ҳаракат қилиш вақти, ҳозир давр гапдан амалий ишларга қатъий ўтишни ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ талаб қилмоқда. Агар биз қайта қуришни бўшаштириб юборишни истамасак, ишимиздаги барча салбий жиҳатлардан тезроқ қутулишимиз керак. Партия группаларидаги ҳисобот-сайлов йиғилишлари ҳозирча биздаги камчилик ва нуқсонлар яхшилик сари реал силжишга нисбатан анча кўплигини кўрсатмоқда. Ана шу камчилик ва нуқсонларни очиб ташлаш, кўрсатиб бериш — катта иш. Лекин йиғилиш бўлиб ўтгандан кейин дастлабки кунданоқ ана шу нуқсонларни бартараф этишга киришиш ундан ҳам каттароқ ишдир.

Баъзан район, шаҳар, область партия комитетлари муаммоларни ҳал эта олмаётган бўлса, коммунистларнинг кичик бир группаси нима қила оларди, деган гапларни эшитиш мумкин. Партия комитетлари муаммоларни шунинг учун ҳам ҳал қила олмаяптики, партиянинг энг оммавий бўғинлари — партия группалари, цех ва бошланғич партия ташкилотлари тўла куч билан ишламаяпти. Ҳамма даражадаги партия комитетларида камчиликлар оз эмас, бу ҳақда XIX Бутуниттифоқ партия конференциясида аниқ-равшан айтилди. Шунга қарамай, партиянинг негизини партия комитетлари эмас, балки миллионлаб кичик группалар ташкил этади. Қайта қуриш тақдири, жамиятимиз ҳаётидаги барча ўзгаришлар жуда кўп даражада улардан ҳар бирининг, яна таъкидлаб айтамизки, ҳар бирининг ҳиссасига боғлиқдир.

• *Империализм жиноятлари*

«ҲИНДУКУШ» ОПЕРАЦИЯСИ

ГДР публицисти Юлиус Мадернинг китоблари кўпгина мамлакатлар ўқувчиларига маълум.

Бу йил ГДРнинг «Милитер-ферлаг» ҳарбий нашриётида Ю. Мадернинг «МРБнинг «Ҳиндукуш» операцияси» номли янги китоби чиқди. У МРБнинг Афғонистондаги қўпорувчилик фаолияти ҳақидадир.

АПНнинг Берлиндаги ўз муҳбири Михаил Кубеев ёзувчидан унинг янги китоби ҳақида гапириб беришни илтимос қилди.

— МРБнинг қўпорувчилик фаолияти тўғрисидаги материалларни тўплаш билан ўттиз йилдан буён шуғулланяпман. Бу ҳақда «МРБда кимлар ишлаяпти?» «Гангстерлар иш устида», «МРБ Европада» номли китобларни ёздим.

Икки йил муқаддам Афғонистонда бўлдим. Сафар менда Афғонистонга қарши эълон қилинмаган урушнинг «кўринмас пружиналарини» очиб ташловчи шундай китоб зарур, деган ишонч ҳосил қилди.

Тарихий материаллар Ғарб мамлакатлари ўтган аср бошиданоқ Афғонистонга кўз олайтирганлигидан шоҳидлик беради. 1838 йилдан 1919 йилгача Буюк Британия Афғонистонни мустамлакага айлантиришга уринди. 1923 йилдан 1941 йилгача бу ерда аввал Германия милитаризми, сўнгра гитлерчилар фашизми ўз позициясини мустаҳкамлашга интилди. 1942 йилдан эса АҚШ бу мамлакатга алоҳида эътибор бера бошлади. Тоғли мамлакатнинг стратегик қулай ерга жойлашганлиги: СССР билан чегарадошлиги, ёнида Ҳиндистон, Жануби-Шарқий Осиё турганлиги, ҳом ашё ресурслари мавжудлиги улар эътиборини ўзига тортарди.

1947 йилда Марказий Разведка бошқармаси «Ҳиндукуш» номини олган операцияни ўтказишга киришди. У монархия режимини қўллаб-қувватлаш учун реакцион кучларни бирлаштиришни кўзда тутарди. 1978 йилда мамлакатда Савр инқилоби рўй берганидан кейин операция айниқса, фаол амалга оширилди. Контрреволюция 1979 йилда авжига минди, фақат Ҳиротнинг ўзида беш минг киши ўлдирилди ва қийноққа солинди, улар орасида совет граждан лари ҳам бор эди.

Китобимда мен шундай маълумотларни келтираман: 1979 йилдан бошлаб Покистон территориясида МРБ ёрдамида 250 та лагерь, қурол ва ҳарбий анжом омбори ташкил этилган эди. Айни ўша жойларда «эътиқод учун курашчилар» замонавий қуролларни ишлатишга, қўққисдан ҳужум қилиш техникасига, пистирмаларни ташкил этишга ўргатилмоқда.

МРБ молиявий ёрдам ҳам кўрсатмоқда. Бу МРБнинг ўз бюджетидан тўловлар, НАТО мамлакатлари ва бир қатор араб давлатлари «ҳайр-эҳсонларидир». Маблағларнинг каттагина манбаи — наркотиклар билан савдо қилишдир. Расмий маълумотлар бўйича, 1979 йилдан 1987 йилгача АҚШ Марказий Разведка бошқармаси афғон аксилинқилобчиларига фақат қурол-яроғ сотиб олишнинг ўзига 1,7 миллиард доллар берди. Айни шу пулларга «Редай» ва «Стингер» типидаги зенит ракеталари сотиб олинган эди.

Афғонистонга қарши ғоявий қўпорувчилик иши тўғрисида ҳам катта материалларни тўплаганман. Асосан радио ташвиқотидан кенг фойдаланилмоқда. Айниқса, «Озодлик радиоси» ва «Озод Европа радиоси» ишга енг шимариб киришган. Бу кампанияга «кофирларга қарши муқаддас урушга» чорлаган «Озод Осиё радиоси» келиб қўшилди. 1985 йилда ГФРнинг Штутгарт шаҳри яқинида жойлашган «Озод Афғонистон радиоси» ҳам ишга киришди.

Афғон аксилинқилобчиларини махфий равишда қўллаб-қувватлаш МРБнинг Вьетнамдаги урушдан кейинги даврдаги йирик операцияси бўлди. Лекин реакциянинг режалари чиппакка чиқарилди. Совет Иттифоқининг амалий позицияси ва Афғонистон ҳукумати эълон қилган миллий яраш сиёсати туфайли бунга эришилди.

Китобни тайёрлаш чоғида мен турли манбаларни: Ғарб матбуотидаги мақолалар ва мутахассислар тадқиқотларини ўргандим. Ўз кузатишларимдан ҳам фойдаландим. Асаримда турли йилларда Афғонистонда иш кўрган МРБнинг асосий жосуслари руйхатини келтирганман. Санаб чиқсам улар 90 та экан. Бу Женева ахдлашувларигача ва Совет қўшинларини олиб чиқиб кетишга қадар бўлган рақам. Ўз тадқиқотим ҳақида тарихчилар, публицистлар ва ҳатто мафкуравий мухолифларимизнинг фикрини билишни жуда ҳам истардим. Китоб босмадан чиққач, мен уни жаҳоннинг Рейтер, АФП, ДПА сингари йирик ахборот агентликларига ҳамда машҳур нашрлар — «Нью-Йорк таймс», «Шпигель» ва «Штерн»га тарқатдим.

Китоб билан танишиш учун вақт етарли бўлди. Одатда бундай ҳолларда дарҳол ҳужумга ўтишади. Ёки бирор вақт кутишиб, тил бириктириб олгандек, раддия кампаниясини бошлайдилар.

Бу сафар негадир дом-мим дейилмаяпти. Сабаби китобимда кўрсатилган фактларни рад этиш қийин. Чунки бу — ҳақиқат, уни истасангиз истамасанг тан олишга тўғри келади.

Ҳозир Афғонистондаги аҳвол ҳамон оддий эмас. МРБ Афғонистонга қарши қўпорувчилик ишини тўхтатиш ниятида эмаслиги ҳақида менда маълумотлар бор. Улар аксилинқилобчиларни 300 та янги «Стингер» ракетаси билан таъминлашни режалаштиряптилар, «Еттилар уюшмаси»ни қўллаб-қувватламоқдалар. Шунга қарамай, реализм ва соғлом фикр устун келишига умид бор. Ташқаридан Афғонистоннинг ички ишларига аралашишга уринишларнинг бефойда эканлиги ҳақидаги хулосага келиш пайти келди. Ахир, ана шу жафокаш мамлакат халқи ўз муаммоларини мустақил ҳал этиш ҳуқуқига эга-ку!

Берлин. (АПН).

• ДОЛЗАРБ МАВЗУДА

ЕМ-ХАШАК — ҚИШГА КЕРАК

Шу кунларда республикамиз далаларидаги энг асосий юмуш — ғўза парваришини жадал давом эттириб, пахта йиғим-теримига қизғин ҳозирлик кўришдан иборат. Лекин, халқимизда анъанавий яна бир юмуш — чорва қишловига пухта тайёргарлик кўришдек муҳим иш, таъбир жоиз бўлса, муҳим ташвиш ҳам бор. Зеро «чорвага ҳам пахтадек катта эътибор» деб бежиз айтилмайди.

Қишловки ҳар тарафлама шай бўлиб кутиб олиш — энг аввало мустаҳкам озуқа базаси яратишдан бошланади. Озуқа, ем-хашак кўп бўлса, гўшт ҳам бўлади, сут-қатиқ ҳам. Энг муҳими, белгиланган планларнинг бажарилиши муқаррарлигидан, моллар туёқ сони ўсишидан, тармоқ ходимларининг турмуш тарзи тобора яхшиланиб боришидан чорвадорнинг хотири жам бўлади. Моли тўқиниқ — кўнгли тўқ-да!

Хўш, республикамиз чорвадорлари, озуқа етиштириш хўжаликлари ва бригадалари коллективлари қишлов муваффақиятини таъминловчи бош омил — ем-хашак ўримини қандай олиб боришяпти!

Айтиш керакки, кўнгилдагидек эмас. Камчиликлар кўп. Аниқроғи, бу борадаги план — эндигина 60 процентга яқинлашмоқда. Бу — ўтган йилга нисбатан 0,25—0,26 озуқа бирлиги кам, деганн.

Тўғри, олдинги йилларга нисбатан озуқабоп экиклар майдонини кўпайтирдик, техника билан таъминланиш даражаси ошди. Бироқ, Самарқанд, Тошкент, Навоий, Қашқадарё областлари ва Қорақалпоғистон АССР районлари хўжаликларида ем-хашак тайёрлаш суръатлари ҳамон пастлигича қолмоқда. Улар «етишган» кўрсаткичлар бугунгача республика кўрсаткичи даражасидан анча орқада. Ҳолбуки, ҳозир ҳамма жойда чорва молларининг тўқ қишловини таъминлашга етиб ортадиган миқдорда ем-хашак жамғаришга қулай шарт-шароитлар бор. Жумладан, экин майдокларининг таркиб топган структурасида пичан, сенаж, силос ва илдиз мевали озуқалар етиштириш имкониятлари беҳисоб. Гап — фақат улардан оқилона фойдаланишда қолган, холос.

Оҳангаронлик М. Қаюмовнинг ёзишича, райондаги «Оҳангарон» совхози озуқакорлари ана шундай имкониятлардан самарали фойдаланиб, камида 1,5 йилга етадиган миқдорда маккажўхори силоси бостиришга аҳд қилганлар. Бу ишда, айниқса хўжаликнинг Валерий Ким етакчилик қилаётган маккажўхоричилик бригадаси аъзолари барчага намуна. Улар мавжуд 100 гектар майдондаги «дала малликаси»нинг ҳар гектаридан 35 тоннага етказиб силос бостиришга эришмоқдалар. Бу ҳам сут, ҳам гўшт деганн! Эл-юрт дастурхони маъмур ва тўкин деганн! Шу боиси, хўжаликда чорва маҳсулотлари етиштириш топшириқлари муттасил барвақт ошириб адо этилмоқда.

Худди шундай мазмундаги илиқ хабарларни Китоб районининг «Қишлик» совхозидан Ҳ. Раҳмонов, Усмон Юсупов районикинг Калинин номли совхозидан И. Усмоновлар ҳам йўллаб, чорва қишловига пухта тараддуд кўраётган тармоқ коллективлари тажрибасини ҳикоя қилганлар. Уларда озуқа экинлари ўрим-йиғими, табиий пичак, дағал ҳашак жамғариш ҳар қачонгидан барвақт, сифатли олиб борилмоқда. Гектарлар ҳосилдорлиги ошмоқда. Пировардида, гўшт, сут маҳсулотлари планлари ҳам муваффақиятли ўрниламоқда.

Аммо бир қатор районлар ва хўжаликлар борки, мавжуд ресурслардан фойдаланишда ўта масъулиятсизлик қиляптилар. Иштихон, Гулистон, Калинин, Томди, Фарғона, Тошкент, Шеробод, Гагарин сингари районларнинг кўпгина колхоз ва совхозларида бедазорлар ҳосилдорлиги пасайиб кетмоқда, ўрим муддатлари кечикяпти, табиий пичан жамғариш суръати паст, маккажўхори экилган майдонларда ҳосил пишиб етилса-да, йиғиштириб олиш ишлари пайсалга солинаётир. Тармоқда меҳнатни ташкил этишнинг пудрат ва ижара формаларини жорий этиш борасидаги фаолият ҳам қониқарли эмас.

Хулоса қилиб айтганда, чорва қишловига энг кераги — ем-хашак жамғариш ишлари республикамизда ҳозир кўнгилдагидек бораётгани йўқ. Бу ҳол партия, совет органлари, РАПО ва хўжалик раҳбарларида, тегишли муассасаларнинг мутасаддиларида, мутахассисларда, қуйи ва ўрта звено кадрларида ташвиш уйғотмоғи лозим.

Вазифа — беш йилликнинг учинчи йили учун тармоқда белгиланган план кўрсаткичлари ижросини бекамм-кўст таъминлашдан иборат. Бунинг учун қишлов озуқаси жамғариш суръати ва сифатини оширмоқ даркор.

Ем-хашак — қишга керак!

АГРОСАНОАТ БЎЛИМИ

Ўрим-йиғим авжида

Денов районидаги Ленин орденли «Ҳазорбоғ» совхози сут-товар фермасининг озуқа сақланадиган майдонида иш қизғин. Бу ерга ем-хашак, силос, озуқа учун дон ташиётган транспорт воситаларининг тиними йўқ. Тарозибон Алламурот Пардаев ҳисоб-китобда ҳушёр...

Хўжаликнинг 144 гектар маккажўхоризорида айни кунларда 6 та ўрим агрегати — «Херсонец» унумли ишлатиляпти. Уларни бошқараётган моҳир механизаторлар — Хушбоқ Қурбонов, Назир Аҳмедов, Абдирахим Рўзиев, Тоғай Шукуровларнинг ҳар бири кунига 2-3 гектар майдондаги ҳосилни ўриб-йиғиб олишга эришмоқдалар.

Совхоз меҳнаткашлари 144 гектар майдоннинг ҳар гектаридан пландаги 40 центнер ўрнига 50 центнердан «кахрабо дон» ва 200 центнердан кўк поя олишга азму қарор қилишган. Ҳозиргача бу кўрсаткич гектар бошига 52-55 центнер донни ва 220-230 центнер силосбоп кўк поянн ташкил этмоқда.

Озуқа мўл бўлади

Китоб районидаги Охунбобоев номли совхоз чорвадорлари шу йил ем-хашак ўрими бошланиши олдидан махсус озуқачилик бригадаси ташкил қилиб, унга етарлича техника ва ишчи кучи ажратишди. Уларнинг кучи билан бугунгача хўжаликда 3407 тонна дағал хашак жамғарилди. Бу — пландагидан 807 тонна кўп бўлиб, йиллик план 131 процент адо этилди. Шунингдек, озуқакорлар 382 тонна беда пичани, 699 тонна сомон, 2326 тонна сенаж ҳам тайёрлашди.

Айни кунларда бу ерда беданинг учинчи ўрими тугаш арафасида.

Ҳ. РАҲМОНОВ.

Ғарамлар бўй чўзмоқда

Қўшработ райони чорвадорлари жорий йилда қишловга етиб ортадиган миқдорда тармоқ озуқа базасини яратиш учун астойдил курашмоқдалар. Районда ҳозир меҳнатга яроқли ҳар бир киши ўзини чорвадор ҳисоблаб, ем-хашак жамғариш ишларида фаол қатнашмоқда. Улар бу йил 40049 тонналик ем-хашак ғарамлари яратиш йўлида катта сафарбарлик билан майдонга чиқдилар. Бугунгача 37300 тонна озуқа жамғарилди. Свердлов номли, «Коммунизм», Киров номли совхозларнинг меҳнаткашлари мусобақада пешқадам.

Айниқса «қиш ғамини ёзда е» нақлига амал қилган Киров номли совхоз хашак жамғарувчилари эришган ютуқлар салмоқли. Хўжалик озуқакорлари жорий йилда 9341 тонна хашак тўплашни мўлжалга олишган. Мавжуд техника воситаларидан унумли фойдаланган ва ишчи кучларини ўрим жараёнларига тўғри тақсимлай олган совхоз коллективи бугунгача планни 104,8 процент адо этди. Ғарамланган 9790 тонна озуқанинг 2934 тоннасини пичан (415 тоннаси табиий хашак), 2252 тоннасини сенаж ва 4604 тоннасини сомон ташкил этди. Бу ишларда Луқмон Хўжабеков, Ҳамдам Сайдуллаев, Тоҳир Саидрасулов ва Абдуғани Равшановлар бошлиқ хўжалик ҳисобидаги бригадалар барчага намуна бўлмоқдалар.

А. НОРБОЕВ.

ЖИЗЗАХ. Пахтакор районидаги А. Икромов номли совхоз сут-товар фермасининг илғор сигир соғувчиси Малика Муҳаммадиева социалистик мусобақада ҳамиша пешқадам. У боқимидаги 20 бош сигирнинг ҳар биридан кунига 9—10 килограммдан серқаймоқ сут соғиб олмоқда. Моҳир соғувчининг нияти — йил охиригача боқимидаги сигирлардан пландаги 52 тонна ўрнига 55 тонна сут соғиб олиш.

Суратда: Малика Муҳаммадиева.

У. ҚУШВОҚОВ фотоси.

• *Мелиорация икки ойлиги*

Сувдан қандай фойдаланилмоқда?

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида масъулиятли давр — ҳосил тўплашда ҳал қилувчи ой давом этмоқда. Пахтакорларимиз Ватанга мўл «оқ олтин» етказиб бериш учун ҳаракат қилмоқдалар. Хўш, бу борада сувдан қандай фойдаланиляпти? Республикамиз сув хўжалиги ходимлари зиммаларидаги масъулиятли вазифаларни бажариш учун нималар қилишяпти? Жамоатчи мухбиримиз И. ЛЮБОВСКИЙ Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги сувдан фойдаланиш бош бошқармасининг бошлиғи И. П. АЛЛЁНОВ билан шу борада суҳбатлашди.

— Иван Павлович, бугунги кунда республикамиздаги сув хўжалиги тармоқларида аҳвол қандай?

— Республикамиз сув омборларида айни пайтда ўтган йилдагига нисбатан 7 миллиард кубометр кўпроқ сув тўпланди. Шу йилнинг август ойигача суғориш учун 30,5 миллиард кубометр сув етказиб берилди.

— Демак, республикамизда умумий аҳвол яхши эканда?

— Умуман яхши, дейиш билан иш битмайди. Кўрсаткичларни умумлаштиришдек одатдаги кўникмага барҳам бериш пайти келди. Зеро, бу борада конкрет гапириш керак. Вегетация давридаги суғориш ишларини чуқурроқ анализ қилганимизда шу нарса маълум бўлдики, обиҳаёт билан мўл-кўл таъминланиш ҳам кутилган натижани бермас экан. Масалан, Сирдарёдан олинган сув нормадагидан ярим процент ортиб кетди. Амударёдан эса 15 процент кўп сув олинди. Қорақалпоғистон АССР, Хоразм области хўжаликлари Аму — Бухоро канали зонасидан пландагидан анча ортиқча сув «ичишди». Лекин бу уларга фойда келтирмади.

Жойлардаги баъзи раҳбарларнинг бепарволиги оқибатида қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланиш коэффициентининг камайиши юз берди. Умуман, республика бўйича дарё ва сув омборларидан обиҳаёт олиш 108 процентга етди. Шунга қарамай, экинзорларни суғориш плани эса бор-йўғи 68 процент уддаланди, холос.

Юқорида санаб ўтилган областлардан ташқари Фарғона, Сурхондарё, Қашқадарё областларида ҳам сувдан оқилона фойдаланилмаяпти. Бўка, Хатирчи, Сариосиё, Денов, Олтиариқ, Ўзбекистон, Баҳористон, Муборак, Ильич ва Ховос районларида сув ресурсларидан фойдаланишда камчиликларга йўл қўйилди.

— Сизнингча, нима учун шундай аҳвол юз берди?

— Ҳамма жойда ҳам комплекс агротехника тадбирларига тўлиқ риоя қилинмаяпти. Хўжаликларнинг кўпчилиги қўллатиб суғоришга йўл қўйиб, ҳосилдорликни шунинг ҳисобига оширишни кўзламоқдалар. Малакали сувчилар кам. Натижада обиҳаётдан фойдаланишда назорат етишмаяпти. Сувни коллектор-дренаж тармоқларига оқизиш фактлари учрамоқда. Бўстонлиқ районидаги «Хўжакент», Калинин районидаги «Қорасув», Усмон Юсупов районидаги «Пахтакор», Комсомол районидаги «Советобод» совхозларида ҳам ана шундай аҳволнинг гувоҳи бўлдик.

Албатта, сув танқислигига ундан фойдаланувчилар — қишлоқ хўжалик корхоналарининг ўзлари айбдорлар. Бироқ баъзида совет ва партия ходимлари жойларда обиҳаётни тақсимлаш ва сув ресурсларидан фойдаланиш ишларига билар-билмас аралашадилар. Ҳатто область ва районлардаги бўлинмаларимизнинг кўпгина мутахассисларида ҳам бу борада етарли принципиаллик ва қатъият етишмаяпти. Бундай вазият билан эндиликда муроса қилиб бўлмайди. Ўз ўй-фикрларимизни қайта қуриб олишимиз керак.

— Сув хўжалигидан фойдаланиш хизмати бугунги кунда қандай ишларни амалга оширяпти?

— Одатдагидек, биз август — сентябрь ойларини мелиорация икки ойлиги, деб эълон қилдик. Биринчи навбатдаги вазифа — далаларга етказиб берилаётган сув миқдорини камайтиришдан иборат. Айниқса, Қашқадарё, Тошкент, Фарғона областларида ва Қорақалпоғистон АССРда бу ишни тезроқ амалга оширишимиз керак. Коллектор-дренаж тармоқларини ўз вақтида тозалаш, коллекторлардаги турли «гов»ларни олиб ташлаш, сизот сувларини кочириш ва пахтанинг етилиб очилиши учун қулай мелиоратив шароитни яратиш — бугунги долзарб вазифамиз. Бу ишга агросаноат комплексининг барча ходимларини жалб этишимиз керак.

ТЕЛЕВИДЕНИЕДА ТОМОША ҚИЛИНГ

24 август, чоршанба

МТ-I. 7.00 — «120 минут». 9.05 — «Навқирон Россия». Бадиий фильм. 2-серия. 10.10 — Мактаб ўқувчиларининг серҳаракат ўйинлар бўйича мусобақаси. 10.50 — Ҳужжатли фильмлар. 11.45 ва 16.00 — Янгиликлар. 16.15 — Қайта қуриш прожектори. 16.25 — Халқ қуйлари. 16.40 — Мультфильмлар. 17.10 — Асфальт тугайдиган жойда. 18.00 — Салом, музика!. 18.50 — Учинчи Украина фронти. 19.20 — Дунё воқеалари. 19.40 — Фидойи шахслар. 20.25 — «Навқирон Россия». Бадиий фильм. 2-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — Останкино сарой-музейида музикали ёз. 23.05 — Дунё воқеалари. 23.15 — «Биз Пиросманини излаймиз». 1 ва 2-кўрсатувлар. 00.15 — Шахмат. СССР чемпионати.

МТ-II. 9.00 — Гимнастика. 9.20 — Фильм-концерт. 9.40 — Мультфильм. 10.15 — Москва бўйлаб саёҳат. 10.35 — Немис тили. 11.05 — Концерт. 11.20 — Болалар учун фильм. 12.30 — Немис тили. 13.00 — «Ой нуридаги отишма». Бадиий фильм. 14.20 — Ҳужжатли фильмлар. 14.40 — Янгиликлар. 14.50 — Фильм-концерт. 15.20 — «Ўрушнинг узундан узоқ йўллари». Бадиий фильм. 2-серия. 18.35 — Янгиликлар. 18.40 — Мультфильм. 19.05 — Сафимизга тур, ўртоқ. 19.55 — Ҳужжатли фильмлар. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 — Халқ қуйлари. 21.00 — Ҳамма учун ва ҳар бир киши учун. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — Ҳужжатли фильм. 22.30 — Футбол. «Торпедо» — «Динамо» (Киев). 23.30 — «Ёввойи от». Бадиий фильм. 00.35 — Янгиликлар.

УзТВ-I. 15.05 — Телефильм. 15.35 — «Бонивур қалби». Бадиий фильм. 1 ва 2-серия. 18.05 — Болалар учун фильмлар. 18.20 — Пионерлар мамлакатида. 19.00 — Хотира. 19.40 — Ахборот. 19.55 — Катталар учун мультфильм. 20.10 — Ахборот. 20.30 — Футбол. «Пахтакор» — «Спартак» (Оржоникидзе). 21.15 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15—«Ахборот» танқид қилади... 22.40 — О. Ёқубов. «Улуғбек хазинаси». Видеофильм. 5-қисм. 23.40 — Бугун оламда нима гап?

УзТВ-II. 19.40 — «Энг секин юрар поезд». Бадиий фильм. 21.00 — Телефильм. **Душанба.** 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — СССР халқ артисти А. Бобоқулов ва республика халқ артисти. Б. Исҳоқова иштирокида музикали программа. 23.05 — Кино оламида.

25 август, пайшанба

МТ-I. 7.00 — «120 минут». 9.05 — «Навқирон Россия». Бадиий фильм. 3-серия. 10.10 — Ҳужжатли фильмлар. 10.40 — Мультфильмлар. 11.15 — Фидойи шахслар. 12.00 ва 16.00 — Янгиликлар. 16.10 — Қайта қуриш прожектори. 16.20 — Ҳужжатли фильм. 17.10 — Қурмонғози номли Давлат халқ чолғу оркестрининг концерти. 17.40 — Мультфильм. 18.00 — Музикали хазина. 18.35 — ...16 ёшгача ва ундан катталар. 19.20 — Дунё воқеалари. 19.40 — 1988 йил қўшиқлари. 19.55 — Назария масалалари. 20.25 — «Навқирон Россия». Бадиий фильм. 3-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — Останкино сарой-музейида музикали ёз. 23.00 — Дунё воқеалари. 23.10 — Ўн йилликлар фондига портрет.

МТ-II. 9.00 — Гимнастика. 9.20 — Қалбга яқин қўшиқлар. 9.55 — Мультфильм. 10.30 — Испан тили. 11.00 — Москва бўйлаб саёҳат. 11.20 — Болалар учун фильм. 12.30 — Испан тили. 13.00 — «Ёввойи от». Бадиий фильм. 14.15 — Янгиликлар. 14.25 — Фильм-концерт. 15.20 — «Ўрушнинг узундан узоқ йўллари». Бадиий фильм. 3-серия. 18.35 — Янгиликлар. 18.45 — Қишлоқ янгиликлари. 19.45 — Ритмик гимнастика. 20.15 — Бастакорлар дуэти чалади. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 — Тогли Қримнинг кузги бўёқлари. 20.55 — Виолончель ва оркестр учун концерт-симфония. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — «Дадамга қандай ёрдамлашиш керак?» Бадиий фильм. 23.35 — Янгиликлар.

УзТВ-I. 15.05 — «Петров ва Васечкиналарнинг оддий ва ғаройиб саргузаштлари». Бадиий фильм. 1- ва 2-серия. 17.20 — «Абитуриент-88». 18.00 — Мультфильмлар. 18.20 — Ҳинд куйларини Жая Бисвас ижро этади. 19.00 — Мўйқалам ва ҳайкалтарош қаламлари билан давр ва ўзим ҳақимда. 19.30 — Дала, ҳовли юмушлари. 20.00 — Ахборот. 20.20 — Телефильм. 20.30 — Ахборот. 20.55 — Долзарб интервью. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — Концерт. 22.55 — «Қутлуғ қон». Бадиий фильм.

УзТВ-II. 19.40 — «Ўғирланган». Бадиий фильм. 21.20 — Реклама. **Душанба.** 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — Д. Назриев куйлайди. 22.55 — Телефильм.

26 август, жума

МТ-I. 7.00 — «120 минут». 9.05 — «Навқирон Россия». Бадиий фильм. 4-серия. 10.10 — СССР халқларининг қўшиқлари ва рақслари. 10.40 — Мультфильмлар. 11.15 ва 16.00 — Янгиликлар. 16.15 — Қайта қуриш прожектори. 16.25 — Агросаноат ишлари ва ташвишлари. 17.00 — Нега ва нима учун. 17.30 — Литва телевиденисининг программаси. 18.35 — Новаторлар ва консерваторлар. 19.20 — Дунё воқеалари. 19.40 — XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси белгилаб берган йўлдан. 20.25 — «Навқирон Россия». Бадиий фильм. 4-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — Останкино сарой-музейида музикали ёз. 22.50 — Интерсигнал. 23.20 — Концерт. 23.40 — Нигоҳ.

МТ-II. 9.00 — Гимнастика. 9.20 — Фильм-концерт. 9.55 — Мультфильм. 10.30 — Москва бўйлаб саёҳат. 10.50 — Инглиз тили. 11.20 — Болалар учун фильм. 12.20 — Инглиз тили. 12.50 — «Дадамга қандай ёрдамлашиш керак?» Бадиий фильм. 14.10 — Янгиликлар 14.20 — Ҳужжатли фильм. 15.20 — «Салом, доктор». Бадиий фильм. 18.35 — Янгиликлар. 18.45 — П. И. Чайковский номли халқаро конкурс лауреатлари. 19.20 — Ҳайвонот оламида. 20.20 — Ҳужжатли фильм. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 — Бадиий гимнастика. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — «Ўз-ўзини ҳимоя қилиб». Бадиий фильм. 23.30 — Янгиликлар.

УзТВ-I. 15.05 — Ҳужжатли фильм. 15.45 — Болалар учун фильм. 18.05 — Зор эдим бир кўргани... 19.00 — Халқаро сиёсатнинг муҳим масалалари. 19.30 — Ўзбекистон — Ноқоратупроққа. 20.00 — Ахборот. 20.20 — Телефильм. 20.30 — Нега ва нима учун?! 10.05 — Ўй академияси. 10.35 — Бугун — Совет киноси куни. 11.25 — Ҳамма учун ва ҳар бир киши учун. 11.55 — Ҳозирги давр ва ишчилар ҳаракати. 12.25 — Бугун — Совет киноси куни. 13.10 — Солист Владимир Чернов куйлайди. 14.00 — Аслини олганда. 15.30 — Дунё воқеалари. 15.50 — «Юлдузлар учганда». Бадиий фильм. 17.20 — Ҳайвонот оламида. 18.20 — Бугун — Совет киноси куни. 19.05 — Халқаро программа. 20.05 — «Энг гўзал ва ёқимтой». Бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — Катталар учун мультфильмлар. 22.45 — Музикали ринг. 00.30 — Янгиликлар.

МТ-II. 8.30 — Гимнастика. 8.45 — Ҳужжатли фильм. 9.35 — Телевизион театр абонементи. 11.10 — Здоровье. 11.55 — Илмий-оммабоп фильм. 12.15 — Қайта қуриш ва ҳуқуқ. 12.30 — Портретлар. 13.35 — Илмий-оммабоп фильм. 13.50 — Иқтисодий билимлар асослари. 14.25 — Мўъжизасиз мўъжизалар. 15.25 — Бир лаҳза ҳордиқ. 15.50 — Нега содир бўлди? 16.50 — Ҳужжатли фильмлар. 17.20 — «Ҳамроҳ». Бадиий фильм. 18.40 — Телевизион музикали абонемент. 19.50 — Мультфильм. 20.10 — Ҳужжатли фильм. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 — Бадиий гимнастика. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — «Характеристика». Бадиий фильм! 23.30 — Янгиликлар. 23.35 — Велоспорт. СССР чемпионати.

УзТВ-I. 8.00 — «Ассалому алайкум». 9.30 — Даволаш физкультураси. 9.40 — «Кўзимга тик қара». Бадиий фильм. 11.05 — Ўй қандай қурилади? 11.40 — Ҳужжатли экран. 12.25 — «Нурхон». Спектакль. 14.10 — Техника ижодиёти мактаби. 14.40 — Замандас. 15.40 — Буни ҳамма билиши ва уддалаши керак. 18.35 — Мультфильм. 18.45 — Ровесник. 19.30 — Илмий-оммабоп программа. 20.00 — Ахборот. 20.20 — Телефильм. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Қўшиқларда севгим садоси. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — Совет киноси кунига багишланган кўрсатув. 23.15 — Ешлик.

УзТВ-II. Фрунзе. 17.40 — Киносаёҳатчилар клуби. 18.50 — Ўш кўрсатади. 19.35 — Бугун—Совет киноси куни. 21.00 — Музикали учрашувлар. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — «Сабзовот конвейери-88». 22.25. — «222 рейс». Бадиий фильм. 1 ва 2-серилар.

27 август, шанба

МТ-I. 7.00 — «120 минут». 9.00 — СССР давлат телерадиосининг рус халқ чолғулари академик оркестри иштирокида музикали кўрсатув. 9.35 — Ахборот. 20.50 — «Седеф» турк ансамблининг чиқиши. 21.15 — Долзарб интервью. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — «Саҳна усталари». Аброр Ҳидойтов. 23.05 — Цирк.

УзТВ-II. 19.40 — Ҳужжатли фильмлар. 20.30 — Спорт кинопанорамаси. **Душанба.** 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — Кооперативларни ривожлантириш муаммолари ҳақида.

28 август, якшанба

МТ-I. 8.30 — Янгиликлар. 8.45 — Ритмик гимнастика. 9.30 — Ҳужжатли фильм. 9.50 — Спортлото. 10.00 — Будильник. 10.30 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан! 11.30 — Тонгги почта. 12.00 — Саёҳатчилар клуби. 13.00 — Музикали киоск. 13.30 — Қишлоқ янгиликлари. 14.30 — Здоровье. 15.15 — «Солдат ва илон». Спектакль. 16.35—Тула область Тургенево қишлоғидаги фольклор байрами ҳақида. 17.00 — Шеърият лаҳзалари. 17.05 — Мультфильм. 17.35 — Жонли планета. 18.30 — Халқаро панорама. 19.15 — Мультфильм. 20.00 — «Порох». Бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Нотаниш Глазунов. 22.35 — П. И. Чайковский. «Ромео ва Жульетта», «Франческа да Римини увертюра-фантазиялари». 23.20 — Янгиликлар.

МТ-II 8.30 — Зарядкага сафланинг! 8.45 — Совет повзнаси. 9.35 — Илмий-оммабоп фильмлар. 10.30 — Умринг боқий бўлсин, Ер! 11.30 — Мактаб: ўзгаришлар даври. 12.00 — Саёҳатчилар клуби. 13.05 — Фан: назария, тажриба, практика. 13.35 — Агар сиз... 14.20 — Мультфильмлар. 15.20 — Ҳужжатли фильм. 15.55 — Физкультура-спорт программаси. 18.10 — Мамлакат театрлари намойиш этади. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 — Ҳужжатли фильм. 21.05 — Йўлларда тугилган қўшиқлар. 21.30 — Время. 22.05 — Кино ва томошабин. 23.35 — Фильм-концерт. 23.55 — Янгиликлар.

УзТВ-I. 8.30 — «Ассалому алайкум». 10.00 — Регби. СССР чемпионати. 10.30 — Биргаликда куйлаймиз. 10.50 — Сиз севган қаҳрамонлар. 11.50 — Китоб дўстлари. 12.30 — «Қўш доира» ансамблининг концерти. 13.00 — Дўстлик экрани. 14.00 — Светофор. 14.40 — Давлат манфаати. 15.10 — Реклама. 18.05 — Болалар учун концерт. 18.50 — Актёрлар ва роллар. 20.00 — Ахборот. 20.20 — Телефильм. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Дала меҳнаткашлари учун концерт. 21.30 — Время. 22.05 — «Профессор Доуэлнинг васияти». Бадиий фильм.

УзТВ-II. Фрунзе. 15.05 — Мультфильм. 15.15 — Реклама. 15.25 — Новинки. 16.45 — Фильм-концерт. 17.15 — Артист О. Кутманалиев ҳақида телекўрсатув. 18.30 — Халқаро панорама. 19.15 — Телеочерк. 19.45 — Сатирик киножурнал.. 19.55 — Тез кунда экранларда. 20.00 — «Коз кораш». Бадиий-публицистик программа. 21.00 — Лирик концерт. 21.30 — Время. 22.05 — «Сўнгги якшанба». Бадиий фильм.

• *Китоблар оламида*

ТАРИХНИНГ ЯНГИ САҲИФАСИ

Революцион жангчилар хотирасини абадийлаштириш, улар жасоратини ёш авлод учун тарбия манбаига айлантириш, қолаверса, янги социалистик тузум тарихини ўрганиш алоҳида аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан қараганда «У Ленин билан учрашган эди» китоби республикамиздаги инқилобий ҳаракат тарихига янги саҳифа бўлиб киради.

Рисолада Совет Шарқининг революционер курашчиларидан бири Бобоохун Салимовнинг кўп қиррали ҳаёти ва фаолияти тарихий фактлар, воқеалар ва ҳужжатлар асосида ёритилган. Бобоохун Салимов Хива хони томонидан жарбланаётган халқ оммасининг ачинарли аҳволини ўз кўзи билан кўрди. Золим ҳокимиятига қарши илғор фикрли ёшлар курашга отланганликлари ва кейинчалик «Ёш хиваликлар» яширин ташкилотни тузиб, халқ ҳокимияти учун курашдаги фаолиятлари баён этилади.

Хоразмда вужудга келган революцион ҳаракатда «Ёш хиваликлар» ташкилоти аъзоларининг турли табақалардан ташкил топганлиги сабабли мураккаб вазият пайдо бўлган эди. Лекин мавжуд эски тузумга қарши умумий нафрат, адолат ва озодлик учун кураш мақсади бу яширин жамият аъзоларини бирлаштирарди. Ана шу оғир шароитда Бобоохун Салимов революцион сиёсий дунёқарашининг шаклланиш жараёни мазкур китобда жонли ва табиий баён этилган.

Б. Салимов революцион фаолиятида рус революционерлари С. Иванов, М. Леонов, Н. А. Андреев, А. С. Сафронов, А. М. Кисляковларнинг катта таъсири бор. Хусусан, Б. Салимовнинг А. С. Сафронов билан дўстлиги узоқ давом этган. Ана шу дўстлик натижасида Бобоохун ва унинг дўстлари онгида рус революционерларига хайрихоҳлик кучайиб боради.

Китобда Бобоохун Салимов бош бўлган 1916 йилдаги биринчи халқ қўзғолони чор ҳукумати ёрдами билан хон томонидан аёвсиз бостирилиши ҳар томонлама асосли баён этилган.

1918 йилнинг бошларидан бошлаб Бобоохун Салимовнинг революцион фаолиятида янги давр бошланди. У большевиклар партияси ва Совет ҳокимиятининг маҳаллий ташкилотлари ёрдами билан Амударё бўйидаги жойлардан кўнгиллилар отрядларини тузди. Шу даврда Туркистон Компартияси Марказий Комитети «Ёш хиваликлар» сўл оқимининг революцион программаси билан танишди, унинг фаолиятини маъқуллади. Уларга ёрдам учун 150 минг сўм маблағ ажратиш ҳақида қарор қабул қилинди (36-бет).

Китобда Бобоохун Салимовнинг сафдоши ва дўсти Ўроз Хўжамуҳамедовнинг революцион фаолияти ҳам ёрқин тарихий фактлар асосида баён этилган. Икки дўст биргаликда Хоразм ва туркман халқларига бошчилик қилиб, Урганч, Хонқа, Хўжайли, қўҳна Урганч, Омонқалъа, Тошҳовуз ва бир қанча йирик қалъа ва шаҳарларни Жунайд тўдаларидан озод қилдилар. Китобда 1920 йилнинг 25 январида эса Хива ҳам эгалланиб, неча асрлардан буён халқ қонини зулукдек сўриб келган хонлик тузуми ағдариб ташланганлиги (39-бет) ва бу улкан тарихий ҳаракатнинг туб моҳияти чуқур ўрганилади.

1920 йилнинг 2 февралида Хивада Муваққат революцион комитет тузилди. Бобоохун Салимов ревком қарорларини бажара бориб, ўлкада совет органларини тузишда фаол қатнашди.

1920 йил 4 апрель куни «Ёш хиваликлар» ташкилоти сўл оқимининг аъзолари ўз партияларини тарқатиб, Хоразм Компартияси сафига ўтишди. Уларнинг кўпчилиги Бобоохун Салимов изидан бориб, халқ ҳокимиятига ҳалол хизмат қилишди, синфий кураш жараёнида марксча-ленинча революцион таълимотни эгаллаб боришди (40-бет).

Китобда Бобоохун Салимовнинг Совет ҳокимияти арбоблари билан суҳбатлашгани, узоқ Хоразм ўлкасининг ҳозирги қайта қуриш ва ошкоралик даврида Алининг дўпписини Валига, Валиникини Алига кийгизилди, дейилса ҳеч ким ишонмайди. Аммо Чироқчи районидаги баъзи медицина ташкилотлари ва ички ишлар органи ходимлари бунинг уддасидан чиқдилар. Қонунни ҳимоя қилиш ўрнига социалистик қонунчиликни қўпол равишда буздилар. Кишиларга соғлиқ, маънавий мадад улашиш ўрнига уларнинг тақдирига кўр-кўрона ёндашдилар.

Бу воқеа Пачкамар наркологик 2-стационарида жабрланганлар томонидан ёзилган бир неча шикоят хатдан сўнггина ошкор бўлди. Воқеа тафсилоти бундай: ўтган йилнинг ноябрь ойи бошида Чироқчи район поликлиникаси наркологик врачи С. Ҳамроев район марказий касалхонаси бош врачи А. Жўрақуловнинг топшириғига биноан сурункали алкогол сифатида ҳисобда турган гражданларни даволанишга юбориш ҳақида ёрдам сўраб ички ишлар бўлими бошлиғи ўринбосари Х. Шойқуловга учрашади.

Шу ўринда врач С. Ҳамроевнинг тушунтириш хатидан айрим ўринларни келтирамиз: «Менинг асли касбим ЛОР врачлик. Наркологияни яхши тушунмайман. Ўтган йили бу вазифага ўтказишди. Мени октябрь ойи охирида бош врачимиз Жўрақулов ёнига чақириб, нега беморларни Пачкамар наркологик стационарига юбормаяпсан, дея қойиди. Байрамгача қаердан бўлса ҳам 30-40 нафар беморни диспансерга юборасан. Агар юбормасанг, область соғлиқни сақлаш бўлимининг медицина кенгашида ўзинг жавоб берасан, деди.

Мен муттасил ичкилик ичиб юрувчиларни топа олмадим. 4 ноябрь куни бош врач яна хонасига чақириб олиб «нега ичувчиларни милицияга юбормай қўйдинг», дея қаттиқ қойиди. Мен, ичувчи фақат ўзимизда бор, дедим ва врач Нурилла Йўлдошевни айтдим. Ў уч марта ичиб, коллективда муҳокама қилинган эди. Бош врач тутоқиб: «Йўқ, унинг номини тилга олма, чироқчилик врач наркологик стационарда ётибди, деган гап ҳамма жойга тарқалади ва шанимизга доғ бўлиб тушади. Наркологлар сенинг ҳисобингда бўлмаса, милицияда бор, қидир, топ, — деди буйруқ оҳангида. Шундан кейин ишга киришдим».

Врач С. Ҳамроев ана шу гап-сўзлардан кейин милициядан ёрдам сўради. Ўз навбатида район ички ишлар бўлими бошлиғининг ўринбосари Х. Шойқулов Охунбобоев номли совхоз участка инспектори О. Умировга телефон қилиб, нарколог врач Ҳамроевга ҳисобда турадиган ва системали равишда алкоголли ичимлик истеъмол қиладиган гражданларни даволанишга юборишда ёрдам бериш вазифасини юклади. Врач махсус автомашинада бориб, участка инспекторлари О. Умиров ва М. Шермановлардан ичиб юрувчилар рўйхатини сўради. Улар бундай рўйхат йўқлигини, бу борада Чияли қишлоқ Совети ижроия комитети раиси Х. Эргашев билан биргаликда ёрдам беражакларини айтишади. Х. Эргашев одамлар тақдирига енгил-елпи, бепарво қаради. Қишлоқ Совети маъмурий доимий комиссиясига ичкиликбозлиги маълум бўлмаган ёки устидан ариза тушмаган 28 нафар кишининг рўйхатини эринмай номма-ном ёзди. Жумаев, Худойбердиев, Эшмуродов, Эрдонов, Умаров, Тўйлиев, Назаров, Очилов, Жуманов кабиларнинг мунтазам спиртли ичимлик ичиб юриши, уларни алкоголизмдан халос этиш учун даволанишга юбориш керақлиги ҳақида район ички ишлар бўлими бошлиғи К. Жалилов (у ҳозир бу ерда ишламайди) ва Пачкамар наркологик стационари бош врачи Ж. Муродов номига алоқа хати ёзди.

Бу қоғоз участка инспекторлари О. Умиров билан М. Шермановларга дастак бўлди. Улар Жумаев, Худойбердиев, Эшмуродов, Эрдонов, Умаров, Тўйлиев, Назаров, Очилов ва Жумановларни махсус автомашинага мажбуран ўтказиб, оила аъзоларига хабар қилмасдан, район ички ишлар бўлимига олиб келишди.

Кунларнинг бирида бу ғайриқонуний иш тўғрисидаги сигнал бизнинг мухбирлар пунктимизга етиб келди. Бу иш билан танишиш мақсадида тегишли маъмурий органларда бўлишга тўғри келди. Область прокуратурасида шу воқеага боғлиқ бўлган ҳужжатлар билан танишдик. Жабрланганларнинг тушунтириш хатларини ўқиймиз.

Охунбобоев номли совхоз ғаллачилик бригадири Хўжааҳмад Назаров: «Мен хеч қачон район ички ишлар бўлимига ичкилик ичиб, маст ҳолда тушган эмасман. Совхозимиз директори менга: «Район ижроия комитетидан ички ишлар бўлимига боришингизни айтди, сабабини билмадим», —деди. Шу гапга ишониб, ички ишлар бўлимига бордим. У ерда ҳамқишлоқларим Нишон Очилов, Бўрон Эшмуродов, Мирза Жумаев, Умир Худойбердиев, Қаюм Жуманов, Келдиёр Умаров, Суюн Эрдоновларни ҳам кўрдим... Эссиз қадримиз».

Шофёр Қаюм Жуманов: «Участка инспектори М. Шерманов биқинимга бир неча бор туртиб, мени автомашинага ўтқазди. Қарасам, мендан бошқа яна уч киши бор экан. Хуллас, уйимдан олиб кетишди. Анча ялиндим. Қўйиб юборишмади. Стационарга олиб бориб, ҳаммамизга укол қилишди. Жуда қизиқ масхарабозлик: дод-войимизга бош врач ҳам қулоқ солмади. У «сурункали алкогол» дея бизларга ёпиштирилган сунъий йўлланмани кўрсатди. Қадримиз оёқ ости бўлди».

Пахтачилик бригадири Умир Худойбердиев: «Чияли қишлоқ Советига бир иш билан келгандим. Тўсатдан инспектор М. Шерманов машинага чиқишимни буюрди. Фавқулодда қўпол муомаладан ҳангу-манг бўлиб қолдим. Ўша куни уйда лойшувоқ қилаётган Келдиёр Умаровни ҳам алдаб машинага чиқаришди. Ишга бориш мақсадида кўчада автомашина кутиб турган Суюн Эрдонов ҳам зўрлаб машинага ўтқазилди. Юқори ташкилотларга ёзганимиздан кейингина, областдан комиссия келиб, бизни стационардан чиқариб юборди. Ҳайрият, ҳақиқат юзага чиқди».

Чироқчи район марказий касалхонаси бош врачи А. Жўрақулов ўз ишига масъулиятсизлик билан қаради, масалага жуда енгил ёндашди. Шифохонага юборилаётган одамларнинг касаллик тарихи билан қизиқмади. Кўр-кўрона равишда тўққиз нафар соғлом кишининг ҳаммасига «битовой пиянисто» деган диагноз қўйилди. Шу асосда район ички ишлар бўлими бошлиғининг ўринбосари Х. Шойқулов область стационарига 4231-сонли алоқа хати йўллаб, уларни даволашни сўрайди. Оқибатда «бемор»лар асоссиз равишда 20 кун стационарда сақланди. Керексиз дори-дармонлар қабул қилишди.

Ҳолбуки, суд наркологик экспертизанинг хулосасида Мирза Жумаев, Қаюм Жуманов, Эшмирза Тўйлиев, Умир Худойбердиев, Нишон Очилов, Суюн Эрдонов, Келдиёр Умаров, Хўжааҳмад Назаров, Бўрон Эшмуродовларнинг сурункали алкогол сифатда ҳисобда турмасликлари кўрсатилган. Тўғри, шу кишиларнинг айримлари турли даврларда ичкилик ичиб, хатога йўл қўйишганди. Лекин бу уларга нисбатан муттасил алкогол деган хулосани чиқариш ҳуқуқини бермайди-ку! Бунинг устига уларнинг кўпчилиги айни пайтда умуман ичкилик ичмайдилар.

Хўш, тўққиз нафар соғлом кишига сурункали алкогол тамғасини ёпиштириш социалистик қонунчиликни бузиш эмасми?! Наҳотки, чироқчилик қонуншуослар кўра-била туриб тартибсизликка йўл қўйишса? Тўғри, жабрланганларнинг шикоят хати муносабати билан Қашқадарё область ижроия комитети томонидан тузилган комиссия текшириш ўтказиб, адолатни юзага чиқарди. «Бемор»лар болачақалари ёнига қайтарилди. Область ижроия комитети бу масалани муҳокама қилиб, айбдор шахларнинг хатосини кўрсатди. Афсуски, ноҳақ жабрланган кишиларнинг армонлари кўнгилларида қолди. Уни ҳеч қачон кетказиб бўлмайди.

Бу масала билан область прокуратураси ҳам жиддий шуғулланди. Чияли қишлоқ Совети ижроия комитети раиси Х. Эргашев, район ички ишлар бўлими бошлиғининг ўринбосари Х. Шойқулов, участка инспекторлари О. Умиров ва М. Шерманов, район марказий касалхонаси бош врачи А. Жўрақуловларга интизомий жазо бериш мақсадга мувофиқ, деб топилди.

М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

• *Ажаб савдолар*

САНАМАЙ САККИЗ ДЕМАНГ

ЧИРОҚЧИ РАЙОНИДА ИНСОН ҚАДР-ҚИММАТИ НЕГА КАМСИТИЛДИ?

• *Оролни қутқариб қолиш йўлида*

ЖАМОАТЧИЛИК КУЧ-ҒАЙРАТИ

22 август куни Москвада бўлиб ўтган матбуот конференциясида Орол денгизининг қуришини тўхтатиш, денгизни сақлаб қолиш йўлида давлат ва жамоатчилик куч-ғайратларини бирлаштириш, Ўрта Осиёда бутун экологик вазиятни соғломлаштириш зарурлиги тўғрисида гапирилди. Оролдаги вазият бутун мамлакатни ташвишга солаётгани таъкидлаб ўтилди. Жамоатчилик вакиллари ўз нутқларида денгизни тиклаш муаммосини ҳал қилиш йўлини топишга даъват этдилар.

В. И. Ленин йигирманчи йилларда Орол балиқчиларидан Волга бўйидаги очларга ёрдам беришни илтимос қилган эди. Ҳозир Орол денгизида балиқ йўқ. Денгизнинг ўзи 60—80 километр чекинди. Агар шошилинч чоралар кўрилмаса, экологик фалокатнинг юз бериши муқаррардир, бундай фалокат оқибатлари бутун Ўрта Осиё регионида, ҳатто ундан ташқарида ҳам экономикага, инфраструктурага кескин таъсир ўтказади.

Августнинг охирида Ўрта Осиё ва Қозоғистонга жўнаб кетадиган комплекс экспедициянинг фаолияти Оролни сақлаб қолишга — ана шу инсонпарвар мақсадга қаратилган, бу экспедицияни «Новый мир» ва «Памир» журналлари Тинчликни ҳимоя қилиш совет комитети, СССР Табиатни муҳофаза қилиш давлат комитети ва СССР Халқ таълими давлат комитети билан биргаликда ўтказмоқда. Орол денгизи ҳавзасида экология вазияти кескинлашувининг сиёсий, иқтисодий, социал, демографик оқибатлар ва маданий ҳаётга таъсири тадқиқ этилади.

Совет жамоатчилиги — олимлар, ёзувчилар, журналистлар, турли идоралар ходимларининг кенг кўламли тадбири ноябргача давом этади. Тадбир тугагач, экспедиция ҳукуматга ўз хулосалари ва таклифларини ёзиб беради.

(ТАСС).

Қорақалпоғистон АССРнинг пойтахти Нукус шаҳри йилдан-йилга ободонлашиб бораётир. Ҳар йили бу ерда янги-янги турар жой бинолари, мактаблар қурилмоқда.

Суратда: Нукус шаҳридаги майдонлардан бири.

К. ЎРОЗОВ фотоси.

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

• *Шахмат бурчаги*

Спорт разряди билан қутлаймиз

Халқаро арбитр М. МУҲИДДИНОВ бошқаради

Юбилей конкурсимиз шартига кўра бир неча минг иштирокчидан жами 328 нафари; Қашқадарёдан 51, Андижондан 44, Самарқанддан 42, Фарғонадан 38, Сурхондарёдан 25, Бухородан 20, Тошкент шаҳри ва Наманган областидан 19 тадан, Хоразмдан 18, Қорақалпоғистондан 16, Сирдарёдан 13, Тошкент областидан 12, қардош республикалардан 10, Жиззахдан 4(?) ва Навоий областидан 3(?) киши турли спорт разряди талабларини бажарди.

Жойларда разряд дафтарчаларини расмийлаштиришга ўнғайлик туғдириш мақсадида рўйхатни областлар бўйича туздик.

АНДИЖОН ОБЛАСТИ

I разряд. Гавҳар Исломова (Охунбобоев шаҳри), Умида Назарова (Андижон шаҳри), Виктор Панов (Пахтаобод шаҳри).

II разряд. Ҳусанбой Акромов (Пахтаобод шаҳри), Маҳаммаджон Қулатов, Турғунбой Тўраев (Пахтаобод районы), Тўланбой Убайдуллаев, Комил Жарқинов (Марҳамат районы), Баҳодир Эргашев (Ленин районы), Шавкат Мўйдинов (Жалолқудуқ районы), Шаҳобиддин Жалилов (Шаҳрихон шаҳри), Маҳмуджон Аҳмаджонов (Избоскан районы).

III разряд. Ҳамид Абдуллаев, Маҳмуджон Азбаров, Абдуқаҳҳор Абдумуталипов, Сирожиддин Жўраев, Салоҳиддин Комилов, Б. Комилов, К. Парпиев, Дилшодбек Сиддиқов, Ҳошимжон Тоҳиров, Ғофур Юсупов, Фарҳод Эрқўзиев.

IV разряд. Боқи Амиров, Абдуғаппор Бердиев, Абдураҳим Бобожонов, Ҳ. Бобохўжаев, Қамбар Зулпуқаҳҳоров, Р. Искандаров, Абдулҳамид Иминов, Тўхтали Қорабоев, Анвар Қосимов, Баҳодиржон Каримов, Аҳмадулла Мирзаев, Равшанбек Матмусаев, Абдураҳим Маткаримов, Мамиржон Маҳмудов, Авазбек Мирзаев, Олимжон Тўлқоқов, Авазхон Тусматов, Муқимжон Ўрозалиев, Ашурбек Холбоев, Саидамир Йўлдошев, Абдураҳим Эрматов

БУХОРО ОБЛАСТИ

II разряд. Умар Акрамов, Абдужамол Наврўзов, Зайниддин Тиловов (Ғиждувон районы), Субҳон Адизов (Пешку районы), Бахшилло Азимов (Шофиркон районы), Шоди Иноятов (Вобкент районы), Жўра Турсунов (Когон районы), Пўлат Юсупов (Қоракўл районы).

III разряд. Ғофир Болтаев, Барно Муротов, Нурилло Норов, Ғулом Ризаев.

IV разряд. Қаҳрамон Аллабердиев, Саттор Довудов, Акбар Қўзиев, Ҳудойберди Қодиров, Аваз Рўзиев, Ҳамид Тешаев, Азамат Янчиев.

ЖИЗЗАХ ОБЛАСТИ

I разряд. Абдумўмин Ўрозалиев (Бўстон посёлкаси).

II разряд. Комил Гадоев (Зарбдор районы), Сахи Санақулов (Мирзачўл районы).

IV разряд. Файзи Ўроқов.

НАВОИЙ ОБЛАСТИ

II разряд. Абдурайим Бухоров (Хатирчи районы).

III разряд. Ҳолбой Асроров (Нурота районы), Алпасқар Муртазоев (Хатирчи районы).

НАМАНГАН ОБЛАСТИ

I разряд. Маҳзуна Мирзаева, Зафар Файзиев (Чуст районы).

II разряд. Мухтор Аҳмедов, Эркин Исоқов, Анвар Тўлаганов (Наманган шаҳри), Абдураҳмон Абдурасулов (Чортоқ шаҳри), Баҳтиёр Мадалиев (Чуст шаҳри), Мамадали Мамасолиев, Абдурашид Сотволдиев, Ҳафизали Тошбоев (Наманган районы), Эрмамат Ўсаров (Задарё районы).

III разряд. Сайит Маматов, Элмурод Аҳмедов, Тўлқин Рисбоев, С. Маматқулов.

IV разряд. Йўлдош Қурбонов, Ҳошим Қўшоқов, Шавкат Қўчқоров, Маҳмуд Холматов.

(Давоми бор).

ЭСЛАТМА: Республика шахмат федерациясининг квалификация комиссияси розилиги билан тузилган ушбу рўйхат кўрсатилган спорт разрядларини расмийлаштириш учун область, шаҳар ва район спорт комитетларига ҳужжат вазифасини ўтайди.

МУЗЕЙДА МАКТАБ

Хивадаги Ичанқалъа қўриқхона-музейида ёш атеист лекторлар мактаби очилди. Мактаб қўҳна шаҳарнинг таъмирланган архитектура ёдгорликларидан бирига жойлашди.

Мактаб раҳбари, қўриқхона-музей бўлимининг мудири Р. Худойберганов фаол атеистик пропаганда учун тарихни, ўтмишни яхши билиш зарур, деб ҳисоблайди. Ҳар бир машғулотни мумкин қадар кўпроқ самарали ўтказиш учун музейда барча шароитлар мавжуд.

Тингловчилар орасида халқ хўжалиги ғоят хилма-хил тармоқларининг намояндалари бор. Олимлар, партия ходимлари, «Билим» жамиятининг тажрибали лекторлари лекция ўқимоқдалар.

(ЎзТАГ).

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

СССР Агросаноат давлат комитети

ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

1988 йил учун

ЭКОНОМИКА, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ПЛАНЛАШТИРИШ ВА БОШҚАРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ (кундузги ва сиртқи) ихтисосликлари бўйича

АСПИРАНТУРАГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Аспирантурага кирувчилар ИХТИСОСЛИК, МАРКСИЗМ-ЛЕНИНИЗМ ВА ЧЕТ ТИЛЛАРДАН бири бўйичэ (олий ўқув юрти программаси ҳажмида) **кириш имтиҳонлари топширадилар.**

Аспирантурага қабул қилиш ҳақида ректор номига ёзилган аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа, фотосурат, охирги иш жойидан характеристика, олий ўқув юртини тамомлаганлик ҳақидаги дипломнинг нусхаси (зачёт ведомостидан кўчирма билан), эълон қилинган ишлари рўйхати ёки танлаган ихтисослиги бўйича реферат, меҳнат дафтарчасининг нусхаси (иш жойидан тасдиқланган бўлиши керак).

ҲУЖЖАТЛАР 20 СЕНТЯБРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Кириш имтиҳонлари 1 октябрдан бошланади.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: 700183, Тошкент шаҳри, 183-алоқа бўлими, аспирантура бўлими.

ТОШКЕНТ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ИНСТИТУТИ

1988—1989 ўқув йили учун

КЕЧКИ ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Тайёрлов бўлимига халқ хўжалигининг барча тармоқларида ишлаётган ўрта маълумотли илғор ишчилар, колхозчилар ва СССР Қуролли Кучлари сафида ҳарбий хизматларини ўтаб бўлганлар қабул қилинади. Ишчи ва колхозчиларнинг умумий меҳнат стажи ўрта мактабни битиргандан кейин камида икки йил, шундан охирги бир йили йўлланма берган ташкилотда узлуксиз бўлиши керак (шогирдлик стажи бунга кирмайди).

Ҳисоб ва контроль билан банд бўлган хизматчилар бош бухгалтерлар ва уларнинг ёрдамчилари, бухгалтер ва контрол ревизия бўлинмалари раҳбарлари ва ёрдамчилари, бош бухгалтер-экспертлар, экономистлар, бухгалтер-ревизорлар, бухгалтер-экспертлар, бош ҳисобчилар, бош кассирлар, ҳисобчилар, кассирлар, калькуляторлар, табелчилар, таксировкачилар, учётчилар, бош контролёрлар, ревизорлар ва уларнинг ёрдамчилари, катта контролёр-ревизорлар, бош ревизор-инспекторлар, ревизор-инспекторлар, инспекторлар ўзларининг соҳалари бўйича камида 2 йил меҳнат стажига эга бўлишлари керак.

КУНДУЗГИ ЎРТА МАКТАБНИ 1987—1988 ЙИЛДА БИТИРГАНЛАР, БУНДАН ТАШҚАРИ ХИЗМАТЧИЛАР, МУАССАСА ХОДИМЛАРИ ҲАМ ИШ СТАЖИДАН ҚАТЪИ НАЗАР ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА ҚАБУЛ ҚИЛИНМАЙДИ.

Тайёрлов бўлимига кирувчилар билан қуйидаги фанлардан умумий иқтисод мутахассислиги учун — математика ва жамиятшунослиқдан, товаршунослик ва савдони ташкил этиш мутахассислиги учун —математика ва химиядан суҳбат ўтказилади.

Тайёрлов бўлимини муваффақиятли тамомлаган тингловчилар институтнинг биринчи курсига қабул қилинадилар.

Тайёрлов бўлимига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар топширилади: ректор номига ариза; иш жойидан ёки хизмат қилган жойидан йўлланма, ўрта маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (асли), характеристика, меҳнат дафтарчасидан кўчирма (тасдиқланган), 086/У формадаги медицина справкаси, бош кийимсиз тушилган (3х4см.), 8 дона фотосурат.

Паспорт ва ҳарбий билет шахсан кўрсатилади.

ҲУЖЖАТЛАР 15 СЕНТЯБРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Суҳбат 16 сентябрдан 25 сентябргача давом этади.

Ўқиш муддати 10 ой.

МАШҒУЛОТЛАР 1 ОКТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Мурожаат учун адрес: 700063, Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 183-уй.

МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА

24 АВГУСТ СОАТ 19.30 ДА

СССР 51-чемпионати учун «ПАХТАКОР» (Тошкент) — «СПАРТАК» (Оржоникидзе) 1-лига командалари ўртасида

ФУТБОЛ

Танаффус вақтида спорт-буюм лотереяси ўйналади.

Серия номерлари — 038001 дан 040000 гача.

Коллектив бўлиб тушиш учун заявкалар қабул қилинади.

●

АГРОСАНОАТ КОМПЛЕКСИ КООПЕРАТИВЛАРИ, СОВХОЗЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ногин иссиқлик аппаратуралари заводининг ЯНГИ ОЧИЛГАН ҚУҚОН ФИЛИАЛИ **1988 йил учун барча модификациядаги УТН-5 иссиқлик насосларини чекланмаган миқдорда капитал ремонт учун** ФИРМА АСОСИДА **ҚАБУЛ ҚИЛАДИ**

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: 713253, Ўзбекистон ССР, Фарғона области, Фрунзе райони, Чинобод қишлоғи (Фрунзе РПП территориясида). Телефон: 21-688.

●

ТАШКИЛОТЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ «ШВЕЙТРИКОТАЖБИТ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ **ТУГАТИЛДИ**

Барча масалалар бўйича 1988 йил 1 сентябргача Тошкент область маиший хизмат кўрсатиш бошқармасига қуйидаги адрес бўйича мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Байналминал кўчаси, 53- «а» уй.

Тошкент халқ хўжалик институти коллективи ҳисоб-иқтисод факультетининг декани, профессор Е. А. Абдуллаевга отаси

Абдулло МАВЛОНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Директорлар Совети, қурилиш конструкцияларини ишлаб чиқариш ва ёғочсозлик бўйича Бош бошқарма коллективи ва ўрмон ҳамда ёғочсозлик саноати ходимлари касаба союзининг республика комитети Бош бошқарма бошлиғининг ўринбосари

Тўлқин Аъзамович АЪЗАМХУЖАЕВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

(«Советский Узбекистан»)

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

Издается на узбекском языке

Редакция адреси: 700083, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими телефонлари — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06.

Редактор Л. ҚАЮМОВ.